201__ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

29 (513) ● 2018 йил 25 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Пленум

БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТИМИЗ ОДАМЛАРНИНГ РЕАЛ ҲАЁТИДА НАТИЖА БЕРИШИ ЗАРУР

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси ҳамда парламентга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси бўйича ЎзМТДПнинг 2018 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти танқидий-таҳлилий муҳокама этилди.

Пленумда партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов маруза қилди.

2-бет

Матбуот анжумани

ТАШАББУС, ФАОЛЛИК, НАТИЖА

ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ ЎЗ ФАОЛИЯТИДА АНА ШУ МЕЗОНЛАРГА ТАЯНМОҚДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этди. Унда ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов фракциянинг 2018 йил биринчи ярмидаги фаолияти, амалга оширган ишлари, қонунчилик ташаббуслари, ҳудудлардаги фаолияти хусусида ахборот берди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, фракция аъзолари ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси ҳамда парламентга Мурожаатномасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, муайян ишларни амалга оширди, фракция фаолиятида туб ўзгаришлар бўлди.

Жумладан, қонун ижодкорлиги соҳасида фракция аъзоларининг фаоллиги ошганлиги кузатилди. Ҳисобот даврида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари 11 та қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритган бўлса, уларнинг 9 тасида фракция аъзолари бевосита иштирок этди. Бундан ташқари, партия дастурий вазифалари ва электорат манфаатлари ҳамда фуқаролар мурожаатларидан келиб чиқиб, бир қатор ташаббуслар илгари сурилди. Масалан, фракция аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 3 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди.

3-бет

Музейда бир кун

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ДУРДОНАЛАРИ

Ҳунармандчилик миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми. Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида сақланаётган ёғочга бадиий нақш солиш, ганч ўймакорлиги, бадиий кулолчилик, мисгарлик, заргарлик, зардўзлик, каштачилик, газламачиликнинг турли хиллари (читгарлик, атлас, адрас, беқасам, кимхоб, бахмал ва бошқалар) каби нодир буюмлар халқимизнинг ижодкорлиги ва ўзига хос миллий одатларидан далолат беради. Улар қадимий ва ноёб моддий манба сифатида қадрланади. Уларни томоша қилиб, кўҳна удумларимизнинг бетакрорлигидан фахр-ифтихор ҳиссини туямиз.

Миллий ҳунармандлик маҳсулотлари халқимизнинг бой қадрият ва анъаналарини дунёга кенг танитишнинг ўзига хос воситасидир. Хусусан, амалий санъатнинг энг қадимий ва кенг тарқалган тури ёғоч ўймакорлиги юртимизда узоқ асрлар давомида шаклланиб, бу буюмларда аждодларимизга хос маданият ва санъат, миллий анъаналар ва қадриятлар ўз аксини топган.

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистонда ёғоч ўймакорлиги қадимда уй-рўзғор буюмлари ва архитектурада жуда кенг қўлланилган. Буларни археологик қазилмалар давомида топилган ва топилаётган осори-атиқалар ҳам исботламоқда.

5-бет

Депутат сўрови — халқ сўрови

БЕПИСАНД МУТАСАДДИЛАР АЙБИ БИЛАН...

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ 74 СЎРОВИ ҲАМОН ЖАВОБСИЗ ҚОЛМОҚДА

Халқ депутатлари Янгиариқ туман Кенгашига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутат Ибрагим Бекчонов Туямўйин-Урганч минтақаларо сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси Янгиариқ туман бўлими бошлиғига шу йилнинг 27 апрелида депутатлик сўрови юборди. Мазкур сўровга Каттабоғ қишлоғи Каттабоғ маҳалласида яшовчи 1939 йилда туғилган Гулсара Матёқубованинг қишлоқдошлари номидан йўллаган мурожаати асос бўлган. Мурожаатда ҳудуд аҳолиси ичимлик сувидан қийналаётгани таъкидланиб, бу муаммони ҳал қилишда амалий ёрдам сўралган эди. Аммо орадан уч ой ўтди ҳамки, муаммони ҳал қилиш тугул, ҳатто депутат сўровига бир қур назар ташланиб, жавоб ҳам йўлланганги йўқ. Каттабоғликлар эса ичимлик суви муаммосидан ҳамон азият чекмоқда...

Президентимиз раҳбарлигида халқ манфаатларини таъминлаш, уларнинг дарду ташвишларини тинглаш ва ҳал этишга энг долзарб вазифа сифатида қаралаётган, жойлардаги мавжуд муаммолар, аҳоли фаровонлигига тўсиқ бўлаётган масалаларга ижобий ечим топишга устувор аҳамият берилаётган айни пайтда айрим калондимоғ мутасаддиларнинг халқ вакиллари сўровига беэътибор ёндашаётгани ачинарли ҳол.

3-бет

Туризм ривожи — ЎзМТДП эътиборида

НАВОИЙДА ТУРИЗМ СОҲАСИ: ЮТУҚЛАР ҲАМ, МУАММОЛАР ҲАМ ТАЛАЙ

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилиб, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш устувор вазифага айланган. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари билан мазкур соҳада бошқарув тубдан такомиллаштирилмоқда, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорида кенг таргиб этиш, мазкур соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацион гоя ва технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

4-бет

Хиёбон

"КЎРИБ-КЎРИБ КЎЗЧИЛ БЎЛДИМ..."

Халқчил фикрлаш, айтимлар каби содда, теран ва юқумли битиклар, қисмда бутунни, томчида дарёни, нурда қуёшни ўзбекча акс эттириш ва ифодалай олиш маҳорати... Буларнинг бари XX асрнинг 70-80 йилларида ўзбек адабиётига ўзгача эпкин, ўзгача овоз билан кириб келган Азим СУЮН шеъриятига чизгилар, хос-хусусиятлар. Айнан мана шу жиҳат бу ижодкорни шеърият ихлосмандларига, халқимизга суюмли, суюкли қилди.

Бугун "адабиётга тоғ ва тоғликларни танитган шоир" — Азим СУЮН билан "Хиёбон" кезамиз.

— Жадидчи бобомиз Чўлпон айтганидек, "Адабиёт яшаса — миллат яшайди". Бу адабиётга берилган энг юксак ва энг тўғри баҳо. Бироқ бунинг учун адабиётнинг жамиятдаги ўрни, вазифаси ва мавқеи тўғри белгиланмоғи керак. Сўнгги йилларда юртимизда адабиётга бўлган эътибор бутунлай ўзгарди ва қайсидир маънода унинг мавқеи ҳам қайта тикланди. Адабиётга бўлган бу эътибор ва ғамхўрлик бугун Сизнинг онг-қалбингизда қандай акс-садо бермоқда?

8-бет

Ушбу сонда:

ЯНГИ НАВ ВА ТЕХНОЛОГИЯ МАҲСУЛОТ СИФАТИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ
МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИРИНЧИ МАРТА ҲАР БИР УЗУМЧИЛИК КЎЧАТХОНАСИДА ЙИЛИГА 3 МИЛЛИОН ДОНА КЎЧАТ ЕТИШТИРИЛАДИ

5-бет

"ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ..."
БУНДАЙ ҒАРОЙИБ ЙЎЛ БЕЛГИЛАРИ КИМНИ НИМАДАН ОГОҲ ЭТАДИ?

7-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!
Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
29 (513) 2018 йил 25 июль, чоршанба

БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТИМИЗ ОДАМЛАРНИНГ РЕАЛ ҲАЁТИДА НАТИЖА БЕРИШИ ЗАРУР

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Бугун мамлакатимизда сиёсий партиялар самарали фаолият олиб бориши учун барча шарт-шароит яратилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам бу имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини янгича асосда ташкил этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ҳар иккала дастуриламал маърузасидан келиб чиқиб, партиянинг чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ўтган даврда ушбу дастур асосида партия фаолиятида туб ўзгаришлар амалга оширилди, партиявий ишлар танқидий таҳлил қилиниб, янги мезонлар асосида йўлга қўйилди. Яъни асосий эътибор натижадорлик ва амалий ишларга қаратилди.

Партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси қонун ижодкорлиги, парламент назорати, аҳоли билан мулоқот қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш борасида муайян натижаларга эришди. Фракция аъзоларининг қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи асосида ўтган бир йил давомида 6, шу йилнинг ярмида эса 3 қонун лойиҳаси парламент қуйи палатаси муҳокамасига киритилди. Ҳисобот даврида депутатларимиз 64 тумандаги ҳақиқий ҳолат билан танишиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминлаш юзасидан ўрганишлари ҳам самарали кечди. Фуқаролар мурожаатларини ҳал қилиш билан бирга, партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, жойлардаги маданий мерос объектлари, туризм манзилларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги жами 1 минг 118 депутатимиз жорий йилнинг биринчи ярмида ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти, жойларда қонунлар, ҳукумат қарорлари ижроси устидан самарали депутатлик назоратини амалга ошириш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйди. Хусусан, партия гуруҳларимиз ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга доир 166 масала киритилиб, Кенгашларнинг тегишли қарорлари қабул қилинишига эришилди. Бу — 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 36 тага кўп. Жумладан, сессияларда Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунининг жойлардаги ижроси, туризмни ривожлантириш ва соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш, 2017 йил 13 сентябрда қабул қилинган "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Президент қарорининг ҳудудлардаги ижросига оид қатор масалалар муҳокама қилинди.

Партия гуруҳлари аъзолари жойларда қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан депутатлик назоратини амалга ошириш борасида 911, фуқароларнинг мурожаатлари асосида эса 2 минг 556, жами 3 минг 473 депутатлик сўровини амалга оширган. Бу 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 277 тага кўп. Мазкур сўровларнинг 2 минг 490 таси, яъни 71,7 фоизи ижобий ҳал этилган. 703 депутатлик сўровини ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда. 228 депутатлик сўровига эса масъул ташкилот ва мутасадди шахслар жавоб бермагани оқибатида фуқаролар муаммолари ҳал этилмаган. Муайян масала юзасидан юборган сўровларига жавоб келмаган ҳар бир депутат, энг аввало, ўзини, қолаверса, партиямизни ҳурмат қилган ҳолда ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан фойдаланиб, жавоб қайтармаган мутасаддилардан қатъий муносабат талаб қилиши лозим. Президентимиз маърузасидан сўнг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга депутатлик сўровларига ўз вақтида жавоб қайтармаган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш борасида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган эди. Халқ вакиллари сўровларига беписанд муносабатда бўлган ҳар бир мансабдор қонун олдида жавобгар саналади. Шундай экан, барча даражадаги депутатларимиз тегишли мутасаддилардан жавоб олиб, муаммони охирига етказмагунича, тинчимаслиги, ўз ҳуқуқларидан самарали фойдаланиши лозим, — деди партия етакчиси.

Пленумда вакиллик органларидаги депутатларимиз ташаббуси билан тегишли йиғилишларда мансабдор шахсларнинг эшитувини ташкил этиш бўйича фаолияти ҳам таҳлил қилинди. Таъкидланганидек, жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал этилиши, давлат дастурларининг амалга оширилиши тўғрисида 512 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111 тага кўпайган. Шу билан бирга, партия гуруҳлари ташаббуси билан доимий комиссиялар йиғилишларида 358 масала муҳокама қилиниб, қарор қабул қилинишига эришилди. Бу борадаги фаолият ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёсланганда, 62 тага кўпайганини кўриш мумкин. Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар парламентда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларига ҳам ўз таклифларини мунтазам бериб келмоқда. Хусусан, ҳисобот даврида фракция аъзоларига 4 қонун лойиҳаси бўйича 300 га яқин таклифлар тақдим этилган.

Пленумда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз фаолиятида ҳам туб ўзгариш ва ўсиш кузатилгани алоҳида қайд этилди. Аммо шу билан бирга, айрим Кенгашлардаги партия гуруҳлари сессияларга ташаббус-масала, доимий комиссияларга таклифлар киритиш, мансабдор шахслар эшитувини ташкил этиш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш борасида сусткашликка йўл қўйгани, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаётгани, ҳудуднинг муаммоларини ҳал этишда уларнинг таъсири сезилмаётгани танқидий таҳлил қилинди. Хусусан, халқ депутатлари Самарқанд вилоят, Жомбой (8 депутат), Каттақўрғон (8 депутат), Оқдарё (7 депутат), Пайариқ (7 депутат), Ургут (5 депутат), шунингдек, Чироқчи (5 депутат) туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари 2018 йилнинг ярим йили давомида Кенгаш сессияларига бирорта масала олиб чиқмаган. Бундан ташқари, маҳалий Кенгашлардаги айрим партия гуруҳи аъзолари партия ташкилотлари билан умуман ҳамкорлик қилмаётгани, ЎзМТДП фаолиятидан четда тургани танқид қилинди. Депутатлик масъулиятини ўз зиммасига олмайдиган, партия дастурий вазифалари ижросини таъминлашга, унинг мавқеини оширишга заррача ҳисса қўшмайдиган вакилларни муддатидан олдин чақириб олиш зарурлиги, бу борада ҳар бир ҳудудий партия ташкилоти ўз хулосаларини бериши лозимлиги айтилди. Дарҳақиқат, партиядан халқ вакили сифатида сайланса-ю, ишга келганда томошабин бўлиб турадиган депутатнинг боридан йўғи яхши эмасми?! Партия номидан кўпсонли сайловчиларга ваъдалар бериб, уларнинг ишончини оқлашга келганда ўзини четга оладиган вакиллар партияга нисбатан ишончсизлик кайфиятини уйғотмайдими? Шундай экан, ўз вазифа ва ваколатларига, партия дастурий вазифалари ижросига масъулиятсизлик билан ёндашаётган депутатлардан воз кечиш фурсати етди.

Муайян масала юзасидан юборган сўровларига жавоб келмаган ҳар бир депутат, энг аввало, ўзини, қолаверса, партиямизни ҳурмат қилган ҳолда ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан фойдаланиб, жавоб қайтармаган мутасаддилардан қатъий муносабат талаб қилиши лозим. Президентимиз маърузасидан сўнг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга депутатлик сўровларига ўз вақтида жавоб қайтармаган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш борасида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган эди. Халқ вакиллари сўровларига беписанд муносабатда бўлган ҳар бир мансабдор қонун олдида жавобгар саналади. Шундай экан, барча даражадаги депутатларимиз тегишли мутасаддилардан жавоб олиб, муаммони охирига етказмагунича, тинчимаслиги, ўз ҳуқуқларидан самарали фойдаланиши лозим.

Депутатлик масъулиятини ўз зиммасига олмайдиган, партия дастурий вазифалари ижросини таъминлашга, унинг мавқеини оширишга заррача ҳисса қўшмайдиган вакилларни муддатидан олдин чақириб олиш, бу борада ҳар бир ҳудудий партия ташкилоти ўз хулосаларини бериши лозим. Дарҳақиқат, партиядан халқ вакили сифатида сайланса-ю, ишга келганда томошабин бўлиб турадиган депутатнинг боридан йўғи яхши эмасми?! Партия номидан кўпсонли сайловчиларга ваъдалар бериб, уларнинг ишончини оқлашга келганда ўзини четга оладиган вакиллар партияга нисбатан ишончсизлик кайфиятини уйғотмайдими? Шундай экан, ўз вазифа ва ваколатларига, партия дастурий вазифалари ижросига масъулиятсизлик билан ёндашаётган депутатлардан воз кечиш фурсати етди.

Пленумда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Ёшлар қаноти" ҳамда "Аёллар қаноти" фаолияти ҳам сарҳисоб қилинди. Қайд этилганидек, Президентимиз маърузасида белгиланган вазифалар асосида партия қанотлари фаолияти янада такомиллаштирилди. Хусусан, "ЎзМТДП тизимида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар Дастури" ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Партия расмий веб-сайтида ёшлар билан интерактив алоқа тизимини жорий этиш мақсадида www.yoshlarmt.uz субсайти яратилди. Партия "Ёшлар қаноти" томонидан "Хизмат — беминнат", "Навоий ворислари", "Депутат билан юзма-юз", "Уйма-уй" лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилди. 205 мингга яқин партия аъзоларининг 110 минги, қарийб 54 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлар эканлиги ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, юқоридаги лойиҳалар асосида минглаб ёшларнинг турли касб-ҳунар ва билим эгаллашига, истеъдоди ва иқтидорини кашф қилишга, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашилаётир.

Партия "Ёшлар қаноти" янги ғоя ва ташаббусларни илгари суриб, муайян натижаларга эришаётгани эътирофга молик. Жумладан, қанот фаоллари номидан Тошкент шаҳар ҳокимига халқаро тажриба асосида пойтахтимизда Давлат байроғи майдонини яратиш ва унга катта ҳажмдаги флагштокни ўрнатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган 18 ноябрь кунини ана шу майдонда кенг миқёсда, тантанали, ватанпарварлик маросими сифатида нишонлаш юзасидан таклифлар юборилган эди. Яқинда пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги майдонида миллат ғурури ва ифтихори бўлган улкан байроқ ўрнатилгани ЎзМТДП томонидан илгари сурилган таклиф ва ғоянинг амалдаги ифодаси бўлди. Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасига таклифлар билдирилди.

Айрим партия ташкилотлари ёшлар билан ишлашда сусткашликка йўл қўйгани танқид қилинди. Жумладан, ЎзМТДП Бўз, Тахиатош, Каттақўрғон, Шаҳрисабз туман кенгашлари ёшлар билан ишлаш, партиянинг ёшларга қаратилган лойиҳаларига қатъиятсизлик билан ёндашаётгани таъкидланди.

Пленумда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг ҳисобот даврида ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, қатор соҳа ва йўналишлардаги мавжуд ҳолатни, муаммоларни ўрганиб, шу асосда таклифлар тайёрлагани қўллаб-қувватланди. Жумладан, болалар қўшиқчилиги атрофлича ўрганилиб, мавжуд муаммолар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига қарор лойиҳаси учун таклифлар тақдим этилди. Ўрганишлар давомида умумтаълим мактабларида мусиқа дарслари асосан мутахассислиги бўлмаган ўқитувчилар томонидан ўтилаётгани, соҳа мутахассислари етишмаслиги маълум бўлди. Мусиқа факультетлари тугатилиб, педагогика факультетларининг мусиқий таълим йўналишига қўшиб юборилган. Натижада олий маълумотли мутахассис кадрлар етишмовчилиги юзага келмоқда.

ЎзМТДП Марказий кенгаши томонидан махсус саволнома ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг 20 февраль — 1 март кунлари ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликда жойлардаги 192 та "Баркамол авлод" болалар марказларида назорат-таҳлил тартибида ўрганишлар олиб борилди. Ўрганиш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг умумтаълим мактабларига яқин масофада жойлашувини қайта кўриб чиқиш, таълим мазмунини замон талаблари нуқтаи назаридан фан соҳасининг етук мутахассислари иштирокида такомиллаштириш, сифат устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, педагог кадрларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш зарур. Айрим туманларда "Баркамол авлод" марказлари учун ажратилган бинода умуман бошқа ташкилотлар жойлашиб олган ҳолатлар учраши ачинарли ҳол. Ўрганиш натижасида аниқланган бу каби камчиликларни бартараф этиш масаласи партия гуруҳларимиз ташаббуси билан бир қатор маҳаллий Кенгашлар сессияси муҳокамасига ҳам киритилди. Шунингдек, ўтказилган таҳлил натижалари ҳамда мазкур соҳани такомиллаштиришга оид таклифлар Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура ҳамда Халқ таълими вазирлигига тақдим қилинди.

Пленумда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари томонидан амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, партиявий фаолиятда йўл қўйилган камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятлар хусусида ҳам тўхталиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Айни пайтда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ", "Ёшлар — келажагимиз", "Ҳар бир оила — тадбиркор" Давлат дастурларининг ижросини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастури ижросини таъминлашда фракция аъзолари иштирок этаётгани, "Обод қишлоқ" дастури доирасидаги ишларда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоят кенгашлари фаол қатнашгани алоҳида таъкидланди. Аслида ҳам мазкур дастурлар ижросига кўмаклашиш барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлар олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлиги қайд этилди.

Пленумда кун тартибидаги масалалар юзасидан музокарага чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзолари Жамила Ниёзова, Алишер Қодиров, Дилфуза Жалилова, Элдор Туляков, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши девони раҳбари Сайдулла Абдураимов, ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ғайратжон Тўйчибоев ва бошқалар ўтган даврдаги фаолият сарҳисоби, йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, келгуси фаолиятни янада самарали ташкил этиш бўйича ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Якунда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

СЎЗ — ПЛЕНУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА:

Алишер ҚОДИРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари:

— Бугунги Пленум олдимизда турган вазифаларни белгилаб олиш, таъбир жоиз бўлса, қайси йўлда, қандай тезликда кетаётганимизни сарҳисоб қилиш имконини берди. Сиёсий партия мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳамда жамият ҳаётининг энг олдинги қисмида бўлиши керак. Шундай экан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз дастурий вазифалари асосида ҳар бир соҳада ўзини кўрсатиши зарур. Жумладан, қонунчилик соҳасида олдимизда турган вазифалар ижросида фракциямиз ташаббус кўрсатиши лозим. Шу йилнинг ўтган даврида қуйи палата депутатларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритган 11 та қонун лойиҳасидан 9 тасида фракция аъзолари бевосита иштирок этган, шунингдек, фракциядошларимиз ташаббуси билан янги 3 қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган бўлса-да, фаолиятимиз талаб даражасида эмас. Бугун ўрганишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикасининг "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, "Туризм тўғрисида"ги, "Давлат тили ҳақида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонунларини такомиллаштириш зарурати мавжуд. ЎзМТДП мақсад ва ғоялари билан муштарак ва ҳамоҳанг бўлган мазкур қонунларни янада такомиллаштириш жараёнида бизнинг фракциямиз ташаббусни қўлга олиши мақсадга мувофиқ.

Феруза МУҲАММАДЖОНОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари:

— Пленумда партиямизнинг жорий йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти танқидий-таҳлил қилинар экан, самарали лойиҳа ва ташаббуслар, амалий натижалар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар, фаолиятимиздаги сусткашликлар алоҳида тилга олинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш йўналишидаги амалий ишларни янада кўпайтириш истиқболдаги муҳим вазифаларимиздан.

Ҳисобот даврида ЎзМТДП Марказий кенгаши ҳамда ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 4 минг 320 мурожаатдан 4 минг 309 таси ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиб, уларга тегишли тушунтириш ва жавоб хатлари берилган. Шунингдек, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари томонидан жойларда 34 та сайёр қабуллар ташкил этилган бўлиб, мазкур жараёнда фуқаролар томонидан 510 дан ортиқ мурожаат ва таклифлар билдирилган. Шундан 482 та мурожаат юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилиб, қолганларининг ижроси назоратга олинди. Мурожаатларнинг аксариятига партия ташкилотларимиз ҳамда депутатлик бирлашмалари ҳамкорлиги ва кўмагида ечим топилаётгани фуқароларнинг партиямизга бўлган ишончи ортишида муҳим аҳамият касб этади.

Жамила НИЁЗОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Президентимизнинг парламент палаталари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги танқидий-таҳлилий маърузасидан кейин фракциямиз фаолиятида туб ўзгаришлар бўлди. Қонун ижодкорлиги, мурожаатлар билан ишлаш, парламент назоратини амалга ошириш борасида эришилган натижаларни алоҳида қайд этиш ўринли. Аммо натижалар, ютуқлар ўзимизники, олдимизда ҳали қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар жуда кўп. Масалан, қонунчиликни такомиллаштириш борасида бугун юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини кўриб чиқиш лозим. Бунда жамоатчилик фикрини ўрганиш, шаҳарсозликка оид ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш муҳим.

Бундан ташқари, амалий ишларимизни янада кучайтириш, депутатлик сўровларимизнинг натижадорлигини ошириш зиммамиздаги муҳим вазифадир. Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга депутатлик сўровларига ўз вақтида жавоб қайтармаган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилган эди. Фаолиятимиз давомида ўрни келганда ушбу асосдан самарали фойдалансак, депутатларимизга, партиямизга нисбатан беписандликнинг олди олинади. Энг муҳими, муайян муаммолар ечимига ҳисса қўшилади, амалий ишларимиз салмоғи ортади.

Илҳом РАЖАБОВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши раиси:

— Олдимизда турган вазифа ва марраларни белгилаб олиш учун ўтган даврдаги фаолиятимизга танқидий баҳо бериб, йўл қўйилган хато ва камчиликларимиздан тўғри хулоса чиқариш лозим. Пленумда партия етакчиси томонидан партия ташкилотлари ва депутатлик корпусининг фаолияти таҳлил этилиб, йўл қўйилган камчиликлар рўй-рост айтилди. Уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф-тавсиялар берилди. Келгуси фаолиятимизда бу тавсияларга таянган ҳолда ишимизни самарали ташкил қиламиз.

Ўтган даврда Навоий вилоятида "Уйма-уй", "Хизмат — беминнат" лойиҳалари доирасида хотин-қизлар, ёшлар, хусусан, уюшмаган ёшларнинг кўплаб муаммолари ижобий ҳал қилинди, улар турли тўгаракларга жалб этилди. Хусусан, "Хизмат — беминнат" кўнгиллилар лойиҳаси доирасида вилоятимизда 84 та ўқув-курси ташкил қилинган бўлиб, 400 дан зиёд ёшларга қўшимча бепул таълим ва ҳунар ўргатиб келинаётир.

"Уйма-уй" лойиҳаси доирасида аҳоли, айниқса, ёшлар мурожаатларини ўрганиш юзасидан тизимли ишлар ташкил этилган. Барча шаҳар, туман кенгашлари депутатлар билан ҳамкорликда 936 хонадонга бориб, 2 минг 150 йигит-қиз билан мулоқот қилди. Ёшлар билдирган 478 мурожаатдан 455 таси тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилди, 33 мурожаатни депутатлар назоратга олди. Келгусида бу борадаги ишларимизни янада кучайтириб, амалий натижаларга эришишга бор куч ва имкониятимиз билан ҳаракат қиламиз.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Матбуот анжумани

ТАШАББУС, ФАОЛЛИК, НАТИЖА

ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ ЎЗ ФАОЛИЯТИДА АНА ШУ МЕЗОНЛАРГА ТАЯНМОҚДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Яъни қувват берувчи ичимликлар рекламаси ва савдосини тартибга солишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида", "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида", "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир. Маълумки, кенг жамоатчиликнинг қизғин муҳокамаларига сабаб бўлган "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида"ги қонун парламент қуйи палатасида қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланди ва уни шу йилнинг 2 июль куни давлатимиз раҳбари имзолади.

Бундан ташқари, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган 73 та қонун лойиҳасининг 41 тасида фракция аъзолари масъул бўлиб, уларни охирига етказишда фаол иштирок этдилар.

Парламент қуйи палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларини такомиллаштириш, кенг жамоатчиликка етказиш ва аҳолининг фикр-мулоҳаза ва таклифларини олиш мақсадида жойларда 260га яқин тадбирлар ташкил этилди. Бу жараёнда 18 та қонун лойиҳаси муҳокама қилиниб, фуқаролардан 500га яқин таклифлар олинди. Ушбу таклифлар фракция аъзолари томонидан чуқур ўрганилиб, шу асосда 164 та таклиф қонун лойиҳаларини такомиллаштириш учун масъул қўмиталарга тақдим этилди. Шунингдек, 4 та қонун лойиҳаси ҳудудий партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар муҳокамасига тақдим этилиб, улардан 300га яқин таклифлар олинди.

Матбуот анжуманида фракция аъзолари айни пайтда партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда учта қонун лойиҳасини тайёрлаётгани маълум қилинди. Булар "Маданият тўғрисида"ги,

янги таҳрирдаги "Туризм тўғрисида"ҳамда "Театр ва театрлар фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаларидир. Бундан ташқари, фракция аъзолари маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, уларнинг кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда туризм соҳасини ривожлантиришга кўмаклашиш борасида ҳам қатор ўрганишларни амалга оширди. Ўрганиш натижалари асосида ҳукуматга таклифлар берилди.

Президентимиз 12 июлдаги маърузасида ёшлар қонунларни қабул қилиш жараёнларини, фракциялараро рақобат ва тортишувлар асосида ўтадиган мажлисларни ўз кўзи билан кўриши, депутатлар билан мулоқот қилиши учун шароит яратиш масаласини илгари сурган эди. Шу мақсадда 313 нафар фаол ва ташаббускор ёшлар фракциянинг 19 та йиғилишида иштирок этди, депутатлар билан бевосита суҳбатлашиш имконига эга бўлди, уларнинг 34 та таклифи ўрганиб чиқилди.

Аммо бу ҳали етарли эмаслиги таъкидланди. Чунки партия сафида ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Шундай экан, уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятни янада кучайтириш, парламентга ташрифини мунтазам ташкил этиш, навқирон авлодни сиёсий жараёнлардан доимий хабардор қилиб бориш ва шу орқали сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш зарур. Бундан ташқари, фракция аъзолари шу йил 4 июль куни ёшлар масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан қайд этилган муҳим масалаларда фаол бўлиши, улар билан кўпроқ учрашиб, дарду ташвишларини тинглаши, муаммоларини ўрганиши лозимлиги қайд этилди.

Фракция аъзоларининг ҳудудлардаги фаолияти, сайловчилар билан учрашувлари ҳам самарали кечди. Хусусан, ҳисобот даврида 64 та туманда ҳақиқий ҳолатни ўрганиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ўрганилди. Ўрганишлар натижасида қатор давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа объектлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда 3 минг 642 хонадон, жами 5 минг 216 та объектдаги реал ижтимоий-иқтисодий ҳолат билан яқиндан танишилиб, таҳлил қилинди. Ушбу жараёнга 17 мингга яқин аҳоли қамраб олинди. Шунингдек, ҳудудлардаги фаолият давомида тиббиёт соҳаси, соғлиқни сақлаш муассасаларидаги шарт-шароитлар алоҳида саволнома асосида ўрганилди.

Аҳоли томонидан асосан уй-жой, коммунал, аҳоли бандлиги, таълим, тиббий хизмат, интерактив давлат хизматларини кўрсатиш, банк-кредит, тадбиркорлик, транспорт ва йўл қурилиши каби соҳаларга оид жами бир ярим мингдан зиёд мурожаатлар бўлди. Уларнинг 1200 га яқини фракция аъзолари ва тегишли маҳаллий давлат органлари ҳамкорлигида жойида ҳал этилди. Қолганлари юзасидан тегишли вазирлик, идора ва бошқа давлат ташкилотларига 27 та депутатлик сўрови юборилиб, 21 та (77 %) масала ижобий ҳал этилган, 2 тасига жавоб кутилмоқда, қолган 4 таси 2019 йил Давлат дастурига киритилиши билан боғлиқ.

Парламент назоратини амалга ошириш бўйича фракция йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2017 йилги фаолияти якунларига бағишланган ҳисоботи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилдаги ҳамда 2018 йил I чорак якунлари ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳисоботи тингланди. Уларда партия дастурий вазифалари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиқиб қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, жорий йил учун фракция ташаббуси билан меъморий-тарихий, ижтимоий-маданий объектларни асраб-авайлаш, туризм йўналишини янада ривожлантириш, оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида мамлакатимиздаги маданий ва археология мероси объектларида консервациялаш ва реставрация қилиш ишларини ўтказиш бўйича дастурни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 38,7 миллиард сўм ажратилишига эришилган. Ушбу кўрсаткич ўтган 2017 йилга нисбатан қарийб 13 миллиард сўмга кўп. Матбуот анжуманида парламент назорати йўналишидаги ишларни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, ҳисобот даврида ЎзМТДП фракцияси фаолиятида анча фаоллик кузатилди. Аммо ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талай эканлиги, амалий ишлар салмоғини янада ошириш, иш режада кўзда тутилган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари фракция фаолияти юзасидан саволлар билан мурожаат қилди.

Савол: — Фракция аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган янги таҳрирдаги "Туризм тўғрисида"ги қонун лойиҳаси амалдаги қонундан нимаси билан фарқ қилади? Унга қандай янгиликлар киритилмоқда?

Жавоб: — Амалдаги "Туризм тўғрисида"ги қонун мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган бўлиб, бугунги давр шиддати ва талабларига жавоб бермай қолди. Шу боис янги таҳрирдаги лойиҳада туризмнинг янги — экотуризм, агротуризм, зиёрат туризми каби турлари ўз аксини топмоқда. Иккинчидан, сайёҳлик билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига муайян имтиёз ва преференциялар бериш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, туризм манзилларини бугунги замон талабларидан келиб чиқиб ташкил этиш, қулайликларини ошириш, сайёҳларга кенг имкониятлар яратиш масалалари ўз ифодасини топмоқда.

Савол: — Фракция аъзоларининг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар билан ҳамкорлиги бугун қай даражада йўлга қўйилган?

Жавоб: — Фракция аъзолари жойларда бўлганида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар фаолиятини кучайтириш, уларнинг депутатлик ваколатларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини ошириш мақсадида амалий-услубий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кенгаш сессияларига партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, ташаббус-масалалар киритиш ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан ишлаш борасида зарур тавсиялар берилаётгани натижасида сессияларга масала киритишда анча ўсишга эришилди. Хусусан, шу йилнинг 6 ойи мобайнида Кенгаш сессияларига 166 та масала киритилган бўлиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 36 тага кўпайишига эришилди. Бундан ташқари, қонун лойиҳалари муҳокамасида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан мунтазам ҳамкорлик натижасида улардан қатор таклиф-мулоҳазалар олиш йўлга қўйилди. Бу эса қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришда муҳим саналади.

М.КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат сўрови — халқ сўрови

БЕПИСАНД МУТАСАДДИЛАР АЙБИ БИЛАН...

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ 74 СЎРОВИ ҲАМОН ЖАВОБСИЗ ҚОЛМОҚДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бу каби муносабат амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан масъулиятсизлик, ўз вазифасига совуққонлик, депутат ҳуқуқ ва ваколатларини ҳурмат қилмаслик ёхуд тан олмасликдан бошқа нарса эмас. Энг ачинарлиси, бунинг оқибатида муаммо очиқ қолмоқда, унинг жабрини эса одамлар тортаётир.

Бундай мисолларни Хоразм вилояти мисолида ҳам келтириш мумкин. Масалан, 2018 йилнинг ўтган 6 ойи давомида халқ депутатлари Хоразм вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари турли ташкилот ва корхоналар раҳбарларига 292 депутатлик сўрови юборган. Бу ҳудуддаги мавжуд қарийб 300 га яқин масала, муаммога ечим изланиб йўлланган сўров дегани. Аммо аҳоли мурожаатлари асосидаги ушбу сўровлардан 74 таси ҳамон жавобсиз қолмоқда. Бу жами сўровларнинг 25 фоизини ташкил этади.

— Давлатимиз раҳбари ўтган йили 12 июлда парламент палаталари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида депутат сўрови халқ сўрови эканлигини, депутатлик сўровига беписандлик халққа нисбатан беписандлик сифатида баҳоланишини алоҳида таъкидлаган эди, — дейди ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши ижрочи котиби Анвар Ибрагимов. — Дарҳақиқат, депутатнинг бирор ташкилот ёки идорага юборадиган сўрови тагзамирида фуқаролар манфаати ётади, уларни ўйлантираётган муаммолар мужассам бўлади. Шундай экан, депутатлик сўровларига менсимасдан муносабатда бўлиш ҳудуд аҳолисига нисбатан ҳурматсизлик, қолаверса, ўз вазифасига масъулиятсизликдир. Чунки депутат сўровида акс этган муаммо, энг аввало, ўша мутасаддининг ўз вазифа ва ваколати доирасидаги масала ҳисобланади.

Бирор жавоб олинмаганидан кейин айрим масалалар бўйича яна такроран сўров юборилди, мурожаат қилинди. Бироқ шунда ҳам натижа бўлмади. Аҳоли ишончини оқлаш йўлида ҳаракат қилаётган депутатларимиз энг сўнгги чора — жавобсиз қолган сўровларни илова қилган ҳолда маълумот тайёрлаб, прокуратурага йўллашни режалаштириаётир. Зора, шунда тепса тебранмас айрим мансабдорлар ўз масъулиятини ҳис қилса...

Халқ депутатлари Урганч туман Кенгаши депутати Музаффар Эрматов тумандаги Шодлик ва Бўстон маҳаллаларидаги фуқаролар билан бўлиб ўтган учрашув ва мулоқотлар давомида аҳоли томонидан кўтарилган қатор масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга июнь ойида 4 депутатлик сўрови йўллаган эди. Мазкур сўровларнинг бирида маҳаллага оқар сув келмаганлиги сабабли дарахтлар қуриб қолаётгани, шу боис ҳудудга оқар сув олиб келишда амалий ёрдам сўралган. Навбатдаги сўровда Шодлик ва Бўстон маҳалласи ҳудудидаги ички кўчаларни асфальт қилиш ва пиёдалар йўлакчаси ташкил этиш масаласи ўз аксини топган. Учинчи сўровда маҳалла аҳлининг ҳудуддаги телефон симлари бетартиб тортилгани, сал шамол бўлса, алоқа йўқолиб қолиши борасидаги мурожаати ифода этилган. Яна бир депутатлик сўровида эса маҳалла ҳудудида электр энергияси қуввати пастлиги, бу аҳоли норозилигига сабаб бўлаётгани, шу боис масаланинг сабабларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича амалий ёрдам сўралган. Аммо депутатнинг аҳоли мурожаатлари асосидаги ушбу сўровларига гарчи орадан бир ойдан кўп муддат ўтаётган бўлса-да, жавоб қайтарилмади.



Халқ депутатлари Янгиариқ туман Кенгаши депутати Рўзибой Маткаримовнинг шу йил 2 апрелда туман ҳокими ўринбосарига юборган сўрови ҳам ўз жавоби-ю ечимини кута-кута қоғозда "сарғайиб" қолди. Сўровда қайд этилишича, фуқаро Моҳира Муродова аслида Остона қишоғининг Қўшлоқ маҳалласида ҳисобда туради, аммо икки нафар фарзанди билан ота-онасининг уйида яшаб келмоқда. Кам таъминланган бу оила турар-жойга муҳтож. Шу боис кам таъминланган оилалар учун қурилаётган арзон уй-жойлардан хонадон ажратишда амалий ёрдам бериш сўралган. Орадан қарийб тўрт ой ўтишига қарамай, туман ҳокими ўринбосари депутатга бирор жавоб айтганича йўқ.

Янгиариқ тумани Каттабоғ қишлоғи Каттабоғ маҳалласининг ички йўллари жуда ёмон ҳолатда. Айниқса, ушбу қишлоқни Қармиш қишлоғи билан боғловчи йўлнинг бугунги ҳолатига "маймун йиғлайди". Чунки уни таъмирлаш ишлари 2017 йилда бошланиб, ўлда-жўлда қолиб кетган. Халқ депутатлари Янгиариқ туман Кенгаши депутати Ибрагим Бекчонов туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонасига мазкур ҳудуддаги йўлларни таъмирлаш масаласида депутатлик сўрови жўнатди. Аммо апрель ойида амалга оширилган ушбу сўровга натижа нари турсин бир энлик жавоб ҳам келгани йўқ. Энг ачинарлиси, ҳудуддаги йўллар тобора бадтар аҳволга келиб, аҳолига қийинчилик ва ноқулай шароит туғдирмоқда.

Жавобсиз қолган депутатлик сўровларини сарҳисоб қилар эканмиз, уларнинг аксарияти маблағ талаб қилиши ёхуд иккинчи бир муаммо билан боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Аммо шу билан бирга, айрим сўровларда тегишли мутасаддиларнинг ўз йўналишидаги масалалар, ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан шунчаки маълумот, ахборот бериши сўралган. Ачинарлиси, ана шу турдаги сўровларга ҳам жавоб қайтаришни эп кўрмаган мансабдорлар талай экан. Бевосита маблағ билан боғлиқ муаммо бўлса, "ҳа, маблағ масаласи бироз қийинроқ-да, вақт керак", дея хаспўшлаш мумкин. Бироқ 2-3 қоғоз маълумотни-да тақдим этишни эп кўрмаган раҳбарга нима дейиш мумкин?! Масалан, халқ депутатлари Шовот туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Ибодулла Болтаев туманда "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросини таъминлаш мақсадида қандай ишлар амалга оширилганлиги тўғрисида туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокоридан ёзма маълумот тақдим этишни сўраган. 14 май куни йўлланган ушбу депутатлик сўровига беписанд ёндашилгани оқибатида ҳалигача маълумот олинмади.

Худди шу масалада халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгаши депутатлари Зулайҳо Отажонова 31 май куни туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбарига, туман молия бўлими бошлиғига, Фотимма Сейдабдуллаева ҳамда Саражон Ражабова эса тумандаги касб-ҳунар коллежлари координатори ва тиббиёт бирлашмасига депутатлик сўрови билан мурожаат қилган.

"Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонун ўз номи билан келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод масаласига бевосита боғлиқлиги боис унинг ижросини таъминлаш, назорат қилиш ниҳоятда муҳим вазифа саналади. Аммо шундай бўлса-да, юқоридаги сўровларга на жавоб, на маълумот берилмаган. Бу нимани англатади? Сўров юборилган ташкилотлар мазкур қонун ижроси доирасида бирор амалий иш қилмаганми ёки депутатга нисбатан ошкора беписандликми?

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, депутат сўрови — бу халқ сўрови, депутатлик сўровига беписандлик — халққа нисбатан беписандлик. Шундай экан, аҳоли олдидаги масъулиятини, виждонини унутиб, халққа беписандлик қилаётган айрим мансабдорлар ўз вақтида этагини ёпиб, кўзини каттароқ очиши, халқ вакилларининг ваколатларини ҳурмат қилиши зарур. Зеро, депутат ортида қонун, кўп сонли сайловчи ва халқ манфаати турибди.

Муҳтарама РАМАЗОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Миллий кураш

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти", партия Олот туман кенгаши ҳамда вилоят Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси тасарруфидаги 7-олимпия спорт мактаб-интернати ҳамкорлигида "Алпомиш авлодлари" шиори остида 2001-2002 йилларда туғилган ёшлар ўртасида миллий кураш бўйича мусобақа ташкил этилди.

АЛПОМИШНИНГ ИЗДОШЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Тадбирда Олот тумани ҳокими, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДП-дан сайланган депутат Шерали Саломов юртимизда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар, спортга қаратилаётган эътибор ўғил-қизларимизнинг баркамол авлод бўлиб шаклланиши йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида тўхталиб ўтди. Бу каби спорт мусобақалари ёшлар келажаги, истиқболи йўлида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ўзбек миллий кураши орқали бугун Ўзбекистонни дунё таниянти ва тан оляпти. Жаҳон спорт майдонларида "ҳалол", "ғирром", "дакки" каби ўзбекча атамалар жаранглямоқда. Бу сўзларнинг асл маъноси курашчи ва полвонлар учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

Халқаро Кураш федерацияси тасдиқлаган ягона қоида асосида ўтказилган мусобақада ўн вазн тоифаси бўйича 7-олимпия спорт мактаб-интернати, Олот туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда вилоятнинг туман, шаҳарларидан келган жамоалар, коллеж талабалари, спортга иштиёқманд ёшлар ўзаро куч синашди.

— Мусобақа ҳалол, адолатли ва холисона тарзда бўлиб ўтди, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши депутати, 7-олимпия спорт мактаб-интернати директори Рустам Тўраев. — Ёшларни спортга жалб этиш, уларнинг маҳоратини ошириш, ҳар бир ҳудудда курашни ривожлантиришга қаратилган ушбу мусобақада юзга яқин полвон иштирок этди.

Мусобақада ўз вазн тоифаси бўйича Алишер Холмуродов, Азизбек Ражабов, Шавкат Амонов, Давид Дўстмуродов, Беҳруз Бекмуродов, Жамшид Исматов, Ғанишер Худойбердиев, Паҳлавон Мансуров, Аъзам Зокиров ҳамда Мурод Эркинов ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди.

— Бугунги мусобақа ўз номи билан миллий қадриятларимиз уйғунлиги, бардавомлигини таъминлашга хизмат қилади, — дейди ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгашининг ёшлар масалалари бўйича етакчи мутахассиси Дилфуза Яҳёева. — Мусобақа иштирокчиларининг шижоатини, ўзига ишончини кўриб, кўнглингиз тоғ қадар юксалади. Ажабмас, кун келиб, мана шу ёшлар жаҳон спорт ареналарида юртимиз байроғини мағрур туриб кўтарса, ўзбек номи, мадҳияси баралла янграса...

— Мусобақада иштирок этиб ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиш янги умид ва орзуларга қанот бағишлайди, — дейди Жондор тумани вакили — ёш курашчи Паҳлавон Мансуров. — Ҳар гал ўз олдимга мақсад қўяр эканман, унга элтувчи йўлларни излайман, режалар тузаман. Келажакдан умидим катта. Шу ўринда тенгдошларимга ҳам спорт билан шуғулланишларини, бу нафақат соғлиқ, балки маънавий ва жисмоний камолотга интилиш, турли салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан халос бўлишда ҳам муҳимлигини таъкидлашни истардим. Давлатимиз раҳбари томонидан спортга ва биз ёшларга қаратилаётган эътибор ва ишончга муносиб бўлишимиз, мусобақа номига ҳамоҳанг Алпомишнинг ҳақиқий авлоди, издошлари даражасига эришмоғимиз лозим.

Мусобақа сўнггида ғолиб ва совриндорлар партия вилоят кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Муслима РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

MILLIY TIKLANISH
29 (513) 2018 йил 25 июль, чоршанба

Туризм ривожи — ЎзМТДП эътиборида

НАВОИЙДА ТУРИЗМ СОҲАСИ:

ЮТУҚЛАР ҲАМ, МУАММОЛАР ҲАМ ТАЛАЙ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бу жараённинг барчасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси нафақат фаол иштирокчи, балки ташаббускор бўлишга интилмоқда. Партия мамлакатимизда туризмни, сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан парламент ва депутатлик назоратини амалга ошириш, жойларда бу борада қилинаётган ишларни ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш, умуман, юртимизнинг туризм салоҳиятини янада юксалтириш борасида аниқ саъй-ҳаракатларни амалга оширишга бел боғлаган.

Навоий вилояти — Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий замин. Карманадаги Работи Малик, Сардоба, Нурота заминидаги "Чашма" зиёратгоҳи, Сармишсойдаги қоятош сувратлари, Учқудуқ тумани Мингбулоқ қишлоғидан 30 километр узоқликда жойлашган Жарақудуқ дарасидаги ноёб палеонтологик музей — "Тош ўрмон", Нуротадаги қоя тошларга ишланган V-VI асрларга оид петроглифлар, тоғ тепасидаги кўҳна қўрғон қолдиқлари даврлар силсиласини ўзида мужассам этгани билан ноёб ва аҳамиятлидир. XI-XVIII асрларга оид тошга ўйилган ёзувлар ҳамда Фозилмон кўли манзаралари ва Акко булоғининг шифобахш суви, Сангизумондаги қимирловчи тош сир-синоатга бойлиги ила сайёҳлару маҳаллий аҳолини ҳамиша қизиқтириб келади.

— Вилоятимизда туризм салоҳиятини янада ривожлантириш учун тизимли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилоятидаги ваколатли вакили Фарҳод Эрназаров. — Масалан, қадимий Нурота туманида барча қулайликка эга янги меҳмонхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур туманнинг Сентоб қишлоғида ҳам хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун барча шароит яратилган: 30 ўринли меҳмонхона улар хизматида. Сармишсой ва Айдаркўл атрофида туристик инфратузилмани ривожлантириш мақсадида соҳанинг янги тур ва маршрутлари ташкил этилди. Сармишсой кенгликларида оилавий дам олиш маркази қурилди. Қисқа муддат ичида қад ростлаган масканда 10 дан зиёд ўтов, коттеж, ресторан ва чўмилиш ҳавзалари юртимиз ва хорижлик меҳмонларнинг мароқли дам олишлари учун хизмат қилмоқда.

Аммо ҳудудда соҳа ривожи учун қилиниши лозим бўлган ишлар, ўз ечимини кутаётган вазифалар ҳам талай. Мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида ЎзМТДП Марказий кенгаши ташаббуси билан вилоятда маданий мерос объектларининг айни пайтдаги ҳолати ўрганиб чиқилди.

Бугун вилоятда 421 маданий мерос объекти рўйхатга олинган бўлиб, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси уларнинг ягона реестрини тузиш учун қайта хатловдан ўтказиш, паспортини яратиш, рус ва инглиз тилларида маълумотлар базасини жамлаш ишларини ниҳоясига етказмаган. Бу ҳолат вилоятда туризмни янада ривожлантириш ва сайёҳлар оқимини кўпайтиришга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Партия ташкилотларимиз соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги мавжуд аэропорт, темир йўл вокзали ва туристик йўналишларнинг йўл инфратузилмаси, экскурсия объектларининг аҳволини ўрганди. Маълумотлар таҳлил этилиб, мазкур масала халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида муҳокама этилди.

ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан сессияга киритилган масала юзасидан гуруҳ раҳбари Бахтиёр Бозоров сўзга чиқиб, туризмни ривожлантириш мақсадида қулай шароитлар яратилаётган бўлса-да, кўрилаётган чора-тадбирлар талаб даражасида эмаслигини таъкидлади.

Навоий халқаро аэропорти ва темир йўл вокзалида йўловчиларга, шу жумладан, сайёҳларга хизмат кўрсатиш борасида ҳали ечимини кутиб турган муаммолар мавжудлиги, вилоят ҳудудидаги туристик маршрутлардан ўтувчи магистрал автомобиль йўлларида замонавий типдаги хизмат кўрсатиш нуқталари, алоқа воситалари, ахборот-кўрсаткич жадваллари ташкил этилиши, мавжуд 132 экскурсия объектининг кўпи талабга жавоб бермаслиги, уларни қайта инвентаризациядан ўтказиш ва рўйхатини шакллантириш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 августдаги "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури"нинг жойларда ижросини ўрганиш бўйича ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши томонидан ишчи гуруҳи тузилди. Мазкур гуруҳ Қизилтепа туманидаги Тўдакўлнинг жанубий қирғоқларида дам олиш масканини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганди.

Дастурнинг III-бўлим, 37-бандига мувофиқ, Тўдакўл кўлининг жанубий қирғоқларида маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун дам олиш масканини ташкил этиш белгиланган. Умумий қиймати 7,3 миллиард сўмлик ушбу дам олиш масканини "Trading servise" савдо ишлаб чиқариш корхонаси барпо этиши белгиланган. Бу маблағнинг 4,2 миллиард сўми тадбиркорнинг ўз маблағи, қолган 3,1 миллиард сўми банк кредити асосида шакллантирилади. Ушбу маскан фаолияти йўлга қўйилгач, 35 янги иш ўрни яратилиши мўлжалланган. Айни пайтда масканнинг лойиҳаси ва "Навоийшаҳарсозлик лойиҳалаш институти" МЧЖ томонидан топотасвири ишлаб чиқилган.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижроси учун мутасадди ташкилот раҳбарларига аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Бир сўз билан айтганда, туристик ресурслардан унумли фойдаланиш ва хизмат кўрсатадиган инфратузилмани юқори савияга олиб чиқиш зарур. Бунда замонавий меҳмонхоналар қуриш, сайёҳларга қўшимча шарт-шароит яратиш, туристик шохобчаларни янада кенгайтириш, туроператорликни ривожлантириш, чет эллик ҳамда маҳаллий саёҳатчилар оқимини янада кенгайтириш, тарихий ёдгорликлар ва обидаларни қайта таъмирлаш, туристларга транспорт, таржимонлар ва экскурсоводлар хизматлари кўрсатишни яхшилаш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш соҳа ривожи учун муҳим омил саналади.

Абдували БЎРИЕВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши матбуот котиби

Ўқув-семинар

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашида партия Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари бош ҳисобчилари иштирокида "Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, бюджет интизомига риоя этилишини таъминлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби юритишни назорат қилишни янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАР ҲИСОБЧИЛАРИ

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуришда коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Бу борада мустаҳкам миллий қонунчилик асослари яратилиб, халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириб борилмоқда.

— Бугунги семинар ҳудудий партия кенгашларида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, уни тўғри йўналтириш каби муҳим масалаларга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — деди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев. — Президентимиз томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, сиёсий партиялар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ўтган йили сиёсий партияларга Давлат бюджетидан салмоқли маблағлар ажратилган эди. Ушбу маблағларни тўғри тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш, жирканч жиноят ҳисобланган коррупцияга йўл қўймаслик ҳамда шаффофликни таъминлаш нафақат партия тизимидаги ходимлар, балки ҳар биримизнинг устувор вазифамиз бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси котиби Нодира Зикриллаева иштирокчиларга коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ННТларнинг ўрни ҳамда роли нималардан иборат эканлиги борасида фикр билдирди. Шунингдек, партия ташкилотлари ҳисобчиларининг ходимлар ойлик маошларини тўғри ҳисоблаш, харидларни мақсадли амалга ошириш ҳамда камомадга йўл қўймаслиги борасида тавсиялар берди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси етакчи инспектори Анвар Солиев партиянинг жойлардаги ташкилотларида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, ходимлар ва иш берувчилар ўртасида тузилган меҳнат шартномаларининг молиявий бандларига тўлиқ амал қилиш борасида ўз тавсияларини берди.

Семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Ички аудит бўлими бош мутахассиси Барно Камолова ЎзАСБО (Ўзбекистон бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобининг ягона автоматлаштирилган тизими) дастурини амалга ошириш юзасидан ҳудудий кенгашлар фаолиятини таҳлил қилиб берди. Партиянинг жойлардаги ташкилотларида фаолият юритаётган ходимлар, бухгалтерлар ва хўжалик ишлари мутахассисларининг бюджет маблағларидан фойдаланишда янги Интернет дастурларини қўллаш борасидаги билимларини ошириш, харажатларни оптималлаштириш, тўғри йўналтиришга эътибор қаратди.

Семинарда жойларда бюджет маблағларини тўғри тақсимлаш, ходимларнинг моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимояси масалаларида вужудга келаётган тушунмовчиликлар ёки маблағлар тақсимотидаги меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш борасида маълумот берилди. Соҳага оид самарали тажрибаларни қўллашга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тоиржон ДЕҲҚОНОВ,
ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши бош ҳисобчиси:

— Мазкур ўқув-семинарда бухгалтерия ва аудит соҳасидаги маърузаларни тинглаб, бу борада ўрганадиган жиҳатларимиз талай эканлигини англадим. Фаолиятимиз давомида маош ва таътил нафақалари борасида қўплаб мунозарали вазиятлар вужудга келади. Ана шундай вазиятлар бўйича маърузачилар ва бошқа вилоятлардан келган ҳамкасблар билан ўзаро тажриба алмашганимиз фаолиятимизни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда бундай ёндашув мавжуд камчиликларимизни бартараф этиш, олдимизда турган вазифаларни ижобий ҳал этишимизга кўмак беради.

Мавлуда АСҚАРОВА,
ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши бош ҳисобчиси:

— Семинар давомида тақдим этилган ҳар бир маъруза ва билдирилган фикр-мулоҳазалар, партия ташкилотларига ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш ва тўғри тақсимлаш борасидаги янгиликлар билим-кўникмаларимизни бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Ўз иш фаолиятимизда ходимлар маошини ҳисоблаш, турли жамғармалар ва уларнинг юритилиши борасида ўзимизни қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдик. Айниқса, ЎзАСБО дастурини амалга ошириш юзасидан қилинган маъруза менда катта таассурот қолдирди.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Сайёр қабул

АСОСИЙ ЭЪТИБОР АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ, МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ҚАРАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари сайёр қабуллар воситасида мавжуд камчиликларни ўрганиш, одамларни қийнаётган муаммоларга жойида ечим топишга интилмоқда. Юма-юз мулоқотларда долзарб масалаларни ижобий ҳал қилишда маҳаллий ҳокимият ва тегишли идоралар мутасаддилари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Наманган шаҳридаги 82-умумтаълим мактабининг фаоллар залида ўтказилган навбатдаги сайёр қабулда "25-Ўрта Ғирвон" сайлов округидан халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Зайниддин Ҳожи-Акбар Боғ, Қуйи Ғирвон, Ўрта Ғирвон ва Юқори Ғирвон маҳаллаларида истиқомат қилувчи сайловчилар билан учрашди. Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги қабулхонаси, ЎзМТДП вилоят ва шаҳар кенгаши, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Сувоқава" корхонаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда "Ўзтрансгаз" акционерлик жамиятининг Наманган шаҳар бўлимлари, бандликка кўмаклашиш маркази масъул ходимлари иштирок этди.

Даставвал учрашувда мамлакатимизда одамларни рози қилиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар ҳақида атрофлича тушунча берилди. Президентнинг вилоятдаги қабулхонаси вакили Рустамжон Дадабоев давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 июндаги "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳияти, унда кўзда тутилган имтиёз ва қулайликлар ҳақида тўхталди. Мазкур қарор, энг аввало, ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратишда алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида наслчилик, паррандачилик, қўён кўпайтириш, иссиқхона ташкил этиш ва бошқа йўналишлар учун ажратилган имтиёзли кредитлардан унумли фойдаланиш лозимлиги қайд этилди.

Очиқ ва қизғин муҳокамалар руҳида ўтган сайёр қабул давомида фуқаролар ўзларини ташвишга солиб келаётган муаммолар, ҳудудда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар юзасидан мурожаат ва таклифларини билдирди. Хусусан, Қуйи Ғирвон маҳалласида яшовчи Эркинжон Набижонов Янгибоғ кўчасида бир неча йилдан буён янги электр симёғочлар ўрнатилмаганлиги, симлар ёнғин хавфсизлигига зид равишда уйларнинг том қисмидан тортилганлигини айтди. Шу маҳаллада истиқомат қилувчи Тожираҳмон Норматов эса Абдусамад Мўминов кўчасида мавжуд трансформаторлар паст кучланиш билан ишлаётгани, уларни алмаштиришга катта эҳтиёж сезилаётганлиги ҳақида тўхталди.

ЎзМТДП вилоят кенгаши ижрочи котиби Бекзод Жўраев ушбу ҳудудга симёғоч ўрнатиш, эскирган трансформаторларни янгилаш Наманган шаҳрининг 2018 йилга мўлжалланган

дастурига киритилганлиги, мавжуд муаммоларга шу йилнинг якунига қадар ечим топилишини маълум қилди.

Боғ маҳалласи аҳолисига бир неча йилдан буён табиий газ келмай қўйган. Бироқ шаҳар газ таъминоти корхонаси аксарият хонадонларни қарздорлар рўйхатига киритган. Бу ҳақда Афғон кўчаси 4-уйда истиқомат қилувчи Қаюмжон Қирғизов куюниб гапирди. Депутат Зайниддин Ҳожи-Акбар мазкур мурожаат бўйича газ ҳисоблагич ҳужжатлари ва тўлов маълумотларини олиб, газ таъминоти корхонасига мурожаат этиш ва қарздорлик бор-йўқлигини аниқлаш лозимлиги, бунда унинг ўзи ҳам кўмак беришини билдирди.

26 ёшли Авазхон Азизов Қуйи Ғирвон маҳалласи Зиёкор кўчасида истиқомат қилади. Тақдир тақозоси билан ёруғ оламни кўра олмайди. У Наманган шаҳар маданият коллежида эстрада ва вокаль йўналиши бўйича ўқиган. Коллежни тугатгач, маълум муддат Косонсой туманидаги кўзи ожизларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда фаолият кўрсатди. Ҳозирда вақтинчалик ишсиз бўлган бу йигитнинг иш сўраб бир нечта идорага йўллаган мурожаатлари, афсуски, жавобсиз қолмоқда. Ҳатто Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Наманган шаҳар кенгаши ҳам ишга жойлаштириш чораларини кўрмаган. Мулоқотда онаси Мастура Ҳайитбоева фарзандининг 1-гуруҳ ногирони эканлигини эътиборга олган ҳолда уни ишга жойлаштириш ёки бирор фойдали меҳнат билан банд бўлишида амалий ёрдам беришларини сўради. Депутат маҳалла фуқаролар йиғини билан биргаликда Авазхонга қўён парваришлаш мақсадида банкдан имтиёзли кредит ажратилишига яқиндан ёрдам берадиган бўлди.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, малакали тез тиббий ёрдам кўрсатишда оилавий поликлиникалар муҳим ўрин тутади. "Қуйи Ғирвон" маҳалла фуқаролар йиғини Наманган шаҳри тасарруфига ўтмасдан аввал бу ерда қишлоқ врачлик пункти хизмат кўрсатган. Кейинчалик ҚВПлар ихчамлаштирилганлиги сабабли мазкур шифо маскани биносининг асосий қисми бугунги кунда бўш турибди. Аҳоли эса узоқроққа — Наманган шаҳар 3-оилавий поликлиникага қатнамоқда. Сайёр қабулда маҳалладошлари номидан фикр билдирган Ҳамидхон Нишонбоев фойдаланилмаётган бинода оилавий поликлиниканинг филиалини ташкил этиш таклифини ўртага ташлади.

Маълумот берилишича, депутатга бундан аввал ҳам ушбу масала юзасидан мурожаат келиб тушган. Бу бўйича Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғига депутатлик сўрови юборилган. Жавоб хатида Қуйи Ғирвон маҳалласи ҳудудидаги собиқ қишлоқ врачлик пункти биносини таъмирлаш ва уни 3-оилавий поликлиника филиалига айлантириш учун 20 миллион сўм маблағ ажратилгани билдирилган.

Ана шундай сайёр қабуллар воситасида аксарият муаммо ва камчиликлар жойида ҳал этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг партия ва депутатларга нисбатан ишончи ортиши, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғоянинг амалга ошишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қарор ва ижро

ЯНГИ НАВ ВА ТЕХНОЛОГИЯ МАҲСУЛОТ СИФАТИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИРИНЧИ МАРТА ҲАР БИР УЗУМЧИЛИК КЎЧАТХОНАСИДА ЙИЛИГА 3 МИЛЛИОН ДОНА КЎЧАТ ЕТИШТИРИЛАДИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, соҳада янги, истиқболли навларни яратиш, қайта ишлаш ва унинг экспортини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Боғдорчилик қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоғи бўлиб, серқуёш заминимизда етиштирилган мева ва узумлар мазаси, хуштаъмлиги ва шифобахшлиги билан машҳур. Хусусан, токзорлар ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилаётган доимий эътибор мамлакатимиз бозорлари тўкинлиги ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Бироқ узум етиштириладиган ҳудудлардаги токзорлар навларига кўра хилма хилдир. Шу боис турли сабабларга кўра, токзорлар ҳосилдорлик бўйича ички имкониятларини тўлиқ юзага чиқармаслиги ҳам айни ҳақиқат. Масалан, узумнинг аксарият нави кўкламги совуқдан зарарланади. Бундан ташқари, оидиум ва антракноз сингари касалликларга чидамли навлар кам. Шунингдек, ҳар йили бирдай барқарор ва юқори ҳосил берадиган, меваси узоқ сақланадиган, иммунитети баланд, ўрта эртапишар ва сақлашга ҳамда ташишга чидамли навлар тақчил бўлиб, бу эса соҳада изчил илмий изланишлар олиб бориш лозимлигини тақозо этади.

Узумнинг шундай навлари борки, улардан турли тупроқ иқлим шароитида сифат хусусиятлари бўйича кескин фарқ қиладиган маҳсулотлар олинади. Бундай ҳолатлар, айниқса шаробчилик амалиётида яққол намоён бўлади. Яна бир қатор навларни эса исталган ҳудудда экиб, улардан сифатли шароб олиш мумкин. "Каберне", "Саперави", "Хиндогний", "Алеатика", "Майский черный" каби навлар ана шулар жумласидандир.

Янги технологиялар ва инновацион ғояларни амалиётга жорий этишга кўмаклашиш, узумнинг "in vitro" генофонди коллекцияларини яратиш ва кўпайтириш ишлари "Ўзшаробсаноат" акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарнинг доимий диққат-эътиборида. Хусусан, академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида ҳам турли истиқболли навлар яратилгани узумчилик соҳасидаги ижобий қадамлардан бири бўлди. Улар орасида "Самарқанд кишмиши" нави йирик, мускат ҳидли, уруғсиз, майизбоп эканлиги, "Кишмиш Мотруди" эса юқори сифати ва эртапишарлиги билан ажралиб туради. "Кишмиш Малика" нави меваси баъзи турлардан икки баробар йирик, уруғсиз, доналари жозибадор кўринишга эга. Тўқ қора рангли "Пешпазак", серҳосил, совуққа ва касалликларга чидамли "Кишмиш Суғдиёна" ҳамда "Мускатли Ҳусайни" навлари ҳам республикамиз токзорларида кўпайтириш тавсия этилган.

Кейинги йилларда яратилган янги навлар Самарқанд илмий-тажриба станциясида кўпайтирилиб парваришланмоқда, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги фермер хўжаликлари, агрофирмалар билан тузилган шартнома асосида буюртма қилинган кўчатлар етказиб берилаётир.

Бозор иқтисоди фундаментал тадқиқот натижаларига асосланиш, узумчилик саноатига инновацион технологияларни татбиқ этиш, соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва модернизациялашни талаб қилади. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 февралдаги "Виночилик соҳасини ва алкоголли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, "Ўзвиносаноат-холдинг" акциядорлик жамияти ва унинг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси "Ўзшаробсаноат" акциядорлик жамияти ва "Ўзшаробсаноат" акциядорлик жамиятининг Ривожлантириш жамғармаси деб қайта номланди. Соҳага оид бўлмаган корхоналар "Ўзшаробсаноат" таркибидан чиқарилди.

Узумчилик соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 2020 йилдан Самарқанд ва Тошкент вилоятида 2 кўчатчилик агрокомплекси ишга туширилиши мўлжалланган. Бу жараёнда Европа стандартларига тўғри келадиган, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, узумнинг пайвандланган техник навли кўчатлари етиштирилади. Эътиборга молик жиҳати, унда Марказий Осиёда биринчи маротаба ҳар бир кўчатхона (питомник) йилига 3 миллион дона кўчат етиштириб бериш имконига эга — ушбу кўчатлар совуққа чидамли бўлиб, қишда кўмилмайди, томчилаб суғорилади. Агрокомплексда узумлар учун металл шипалер, узумзорнинг атрофини ўраш учун махсус ишлаб чиқарилган сетка, узум навининг патологик касалликларини аниқловчи элайзер лаборатория, кичик экспериментал виночилик цехи, ўқув марказ ташкил этилади.

— Жамият таркибидаги қайта ишлаш корхоналари тасарруфида бугунги кунда 4 минг 273 гектар техник навли узумзорлар мавжуд бўлиб, корхоналар томонидан 2018-2021 йиллар давомида Жиззах вилоятидаги Бахмал, Янгиобод, Зомин туманларида 9 минг 750 гектар майдонга қўшимча узумзор ташкил этиш режалаштирилган, — дейди "Ўзшаробсаноат" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси маслаҳатчиси Дилбар Сиддиқова. — Жорий йилда 1 минг 255 гектар, 2019 йилда 1 минг 345 гектар, 2020 йилда 2 минг 700 гектар, 2021 йилда 4 минг 450 гектар майдонда янги техник навли узумлар экилади ва маҳсулотлар хорижга экспорт қилинади.

Корхоналар томонидан янги токзорлар барпо этилиши натижасида 10 минг янги иш ўрни яратилиб, ушбу ҳудудлардаги маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланиши кутилмоқда.

Келгусида дунё бозорида танилган номдор, истиқболли саноатбоп узум навларини янада кўпайтириб ноёб хомашё базасини яратиш мақсадида илм даргоҳлари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ушбу ҳамкорлик самарасида ички ва ташқи бозорда харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш учун илмий-тадқиқот институтлари коллекциясидаги истиқболли ток кўчатларидан намуналар олиниб, кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Қайд этиш жоиз, ҳозирда юртимизда 80 дан ортиқ бирламчи вино ишлаб чиқариш корхонаси ишлаб турибди. Ушбу корхоналарни янада жадал ривожлантириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида "Ўзшаробсаноат" акциядорлик жамиятида 63 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Шундан 35 таси вино ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкциялаш, техник ва технологик янгилаш, янги қувватларни ишга тушириш ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган.

Жамият таркибидаги 64 та корхонанинг 40 тасида сифат тизими жорий этилган. Жумладан, ҳозирда 6 корхонада ИСО 22000 халқаро стандартлари асосида сифат тизимлари жорий этилди.

Бир сўз билан айтганда, узум навларини яхшилаш, корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш орқали сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишда долзарб аҳамиятга эга.

Йўлдош САИМНАЗАРОВ,
Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори:

— Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 февралдаги "Виночилик соҳасини ва алкоголли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида виночилик соҳасини янада ривожлантиришда техник узум майдонларини кўпайтириш, жаҳон бозорида катта талабга эга бўлган, генетик жиҳатдан янги, машҳур ва истиқболли узум навлари етиштириш белгиланган. Шу боис ўсимликлар генофондини сақлаш, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги юқори ҳосилли навларини яратиш бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундай изланишлар натижасида кўра, тажриба дала майдонларида етиштирилаётган 80дан ортиқ узум навининг четдан келтирилган ҳамда маҳаллий дурагай шакллари орасидан ҳосилдорлик кўрсаткичи юқори, шу билан бирга касаллик ва зараркунандаларга чидамлилик даражаси нисбатан баланд бўлган хўраки ҳамда шароббоп дурагайлари ажратиб олиниб, янги навлар яратилди. Унинг бештаси шароббоп, иккитаси хўраки кишмиш навларидир.

Кейинги йилларда узумнинг "Нилуфар", "Рангдор", "Олтиндай", "Мускат Орзу", "Мускат Шавқи", "Гавҳар" ва "Истиқлол" навлари давлат реестрига киритилди ҳамда Давлат нав синаш комиссияси томонидан гувоҳномалар олинди.

Акмал БОБОЕВ,
Тошкент кимё-технология институти катта ўқитувчиси:

— Соҳадаги янгиланиш ва ривожланиш салоҳиятли кадрларга бўлган эҳтиёжни янада оширади. Шунинг учун ҳам институтимиз таркибида соҳани тўлиқ қамраб олувчи "Виночилик технологияси ва саноат узумчилиги" факультети ташкил этилган. Ушбу факультет ўзида "Энология", "Бижғиш маҳсулотлари ва алкоголсиз ичимликлар технологияси", "Саноат узумчилиги ва инжиниринги" ва "Виношунослик туризми ва маркетинги" каби кафедраларни бирлаштирган. 2018-2019 ўқув йилида факультет бакалавр босқичига 80 нафар, магистрлик босқичига 12 нафар талаба қабул қилиш режалаштирилган. Уларнинг малакавий амалиёти 24 ҳафтадан 30 ҳафтага оширилиши, фақат ёз фаслида эмас, балки сентябрь-октябрь ойлари, яъни узум пишиғи даврида ҳам амалиёт ўташлари назарда тутилган. Бундан ташқари, институт ҳузурида виночилик соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази ҳам ташкил этилди. Айни пайтда ушбу факультет ва марказларнинг анъанавий виночилик соҳаси юксак ривожланган мамлакатлар — Франция, Италия, Испания, Германия, АҚШ ва Грузиянинг нуфузли олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Музейда бир кун

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ДУРДОНАЛАРИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Жумладан, Сурхон воҳасидаги Юмалоқтепадан V–VI асрларга оид ёғоч ўймакорлиги намуналари топилган. Олимларнинг аниқлашича, бундан 1–1,5 минг йил муқаддам мазкур ҳудудда нақш ўймакорлиги санъати жуда яхши ривожланган. Бундай ноёб топилмалар Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги археологик қазилмалардан ҳам аниқланмоқда.

VII асрда юртимизда ёғоч ўймакорлиги жуда тез суратларда ривожланган. XIII асрда мўғуллар босқини сабаб аҳолининг маданий ҳаёти издан чиқди. XIV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда Амир Темур марказлашган давлат барпо этди ва бу даврда санъатнинг бошқа турлари қаторида амалий санъат ҳам юксала борди.

Мамлакатимизда ёғоч ўймакорлигининг бир неча мактаблари мавжуд бўлиб, улар ҳудудларнинг анъанаси, иқлим шароитлари, ўзига хослиги билан бевосита боғлиқдир. XIX–XX асрларда Хива, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Қўқонда йирик ёғоч ўймакорлик мактаблари ривож топди, халқ амалий санъатининг моҳир усталари етишиб чиқди. Хусусан, моҳир ёғоч ўймакор усталар — Олимжон Қосимжонов, Сулаймон Хўжаев, Мақсуд Қосимов ва бошқалар ўзига хос мактаб яратдилар.

Ёғоч ўймакорлиги ўзига яраша мураккабликлардан иборат. Шу боис, қадимда ёғоч ўймакор усталар асосан буюртма асосида иш бажарган. Ёғоч ишланишдан олдин махсус ўймага тайёрланган, шохлари кесилиб, олти ойдан бир йилгача ҳовузларда сақланган ва гўнг ёки сомонга кўмиб қуритилган. Бунинг сабаби сомон ёғоч рангининг янада ёрқин чиқишига ёрдам берган. Яна бир жиҳати — ўймакорлар дарахтнинг қуёшга қараб ўсган қисмидан кўпроқ фойдаланган, чунки бунда ёғочнинг шу томони зич ва пишиқ бўлишига аҳамият қаратилган. Дарахтлар навига қараб уч йилдан етти йилгача, баъзан ўн йилдан ўн беш йилгача сояда қуритилган. Кейин ёғочга ўйма нақш бериш жараёни бошланган. Усталар асосан уч услуб — бағдоди, ислими ва паргори асосида ишлашган.

Паргори — паргор (циркуль) ёрдамида чизиб ўйилган нақш бўлиб, анъанавий ёғоч ўймакорлик тури. Тайёрланган ёғоч юзасига қоғоз ёпиштирилиб унга айлана, тўртбурчак, учбурчак, кўпбурчак ва ҳоказолардан иборат нақш композициялари паргор ва чизғич ёрдамида чизилади, кейин эса асбоблар ёрдамида ўйилади. Ўйманинг чуқурлиги 1 — 1,5 мм гача бўлади. Нақш замини ўйиб бўлингандан сўнг гурзи билан чакичлаб чиқилади. Чакич ўйманинг янада кўркам бўлишига ёрдам беради.

Бағдоди услуби — бу геометрик шаклда ўйилган нақшлар. Улар ўсимликсимон гириҳлардан фарқ қилади. Яъни, ислимий нақшлар — барг, гул, новда ва бошқалар ўймакор уста томонидан услублаштирилган шаклардан иборат бўлади. Геометрик нақшлар тўртбурчак, кўпбурчак ва эгри чизиқлардан ташкил топган бўлиши мумкин. Ёғоч ўймакорлар бағдоди услубида кўпроқ эшик, устун, панжара, хонтахталарга нақш ишлаган.



Ислимий услуб ўзбек ўймакорлик санъатида жуда кенг тарқалган. Ислимий анъанавий нақш тури бўлиб, барг, гул, куртак, таноб ва бошқалардан ташкил топган, бир-бирига уланиб такрорланишдан ҳосил бўлган нақш. Унинг турлари жуда кўп, уста композицияси қайси шакл билан тўлдирилган бўлса, шу шаклнинг номи қўшиб айтилади: ислими меҳроб, ислими бодом, ислими булбул ва ҳакозо.

Халқ амалий санъатининг ушбу тури ҳақида гап борар экан, улар орасида Хива ёғоч ўймакорлик мактаби алоҳида ўрин тутишини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Бу, асосан, ўйма нақшларнинг майдалиги, монументаллиги, заминининг камлиги, новдаларнинг зичлиги, бадиий ўйноқилиги, яъни композиционо мураккабликда кўринади.

Хива усталари ўз ишлари учун тужум, қайрағоч, тут, кўк терак, ўрик, олмурут, қарамон каби маҳаллий дарахтларнинг аъло навларидан фойдаланган. Ёғочнинг табиийлигини сақлаш ва узоқ муддатга чидамли ҳамда чиройли бўлиб туриши учун ҳеч қандай бўёқ ишлатилмаган. Ёғоч юзаси ва заминига зиғир ёки пахта ёғида ишлов бериш орқали рангнинг табиийлиги сақланишига эришилган. Хива ёғоч ўймакорлиги мактаби нақшлар турли чуқурликда ўйилиши орқали катта аниқлик ва уйғунликка эришилишидир. Бинобарин, нақш композицияларини чизиш, ўлчаш ва бошқа ишларда бир қанча асбоблардан, жумладан, искана, чизғич, паргор (циркул), қалам, ўчирғич, учбурчак транспортёрдан фойдаланилган.

Ёғоч ўймакорлиги машаққатли меҳнат, метин ирода, аниқлик билан бирга ўзига хос ноёб ижодий ёндашув талаб қиладиган санъат турларидан саналади. Хива усталари ҳеч қачон бир нақшдан такрор фойдаланмаган ва бошқалардан нусха кўчирмаган. Шу боис ҳам уларнинг буюмлари бетакрор ва ўзига хос кўринишга эга бўлган, ҳар бир ўйма нақшда алоҳида рамзий маъно яширинган.

Хива ёғоч ўймакорлиги мактабининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири Ота Полвоновдир. У 1867 йилда Хиванинг Гандимён қишлоғида туғилган. Болалигидан ёғоч ўймакорлиги санъатига меҳр қўйган Ота Полвонов дастлабки сабоқни бобоси уста Абдусаттордан, кейинчалик эса отаси уста Полвондан ўрганди. Хивадаги кўпгина биноларнинг дарвоза, эшик ва устунларини безашда қатнашди. Уста ўз ижодий фаолияти давомида "беш қиррали", "турунж", "қўштаноп" ва айланма чексиз нақшлар устида иш олиб борган ҳамда уларни ўринли қўллай олган. 1937 йилда Парижда бўлиб ўтган санъат кўргазмасида Ота Полвоновнинг наққош Абдулла Болтаев нақш андозаси асосида ишлаган ўйма устун юксак баҳоланганги ҳам унинг беназир истеъдодидан далолатдир.

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида хивалик усталар Ота Полвонов, Сафо Боғбеков ва Абдулла Болтаев ҳамкорликда ишлаган икки табақали эшик ва бошқа асарлар сақланади ва ҳали-ҳамон барчани ҳайратга солиб келмоқда.

Мафтуна ТЎЙЧИЕВА,
Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи бўлим мудири

Томорқа — даромад манбаи

БИР ДАРАХТДА УЧ ХИЛ МЕВА

Ишбилармонлик, оилавий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш йўлида яратилаётган кенг шароит ва имкониятлар шаҳару қишлоқларимиз, кўча ва маҳаллаларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш билан бирга, одамларнинг дунёқараши, кайфияти, мақсад, орзу ва ўйларига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Айниқса, томорқачилик маданияти янада юксалди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 мартдаги "Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори деҳқон хўжаликлари ва томорқа учун ажратилган ерлардан унумли фойдаланишда муҳим асос бўлмоқда. Қарорга мувофиқ экин ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиб, агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажарган, йилида камида икки ёки уч марта юқори ҳосил олган ҳамда томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини кўпайтиришга эришган томорқа эгаларига солиқ имтиёзи берилиши назарда тутилган. Аксинча, томорқасига ҳеч нарса экмай, қаровсиз қолдираётганлардан эса жорий йил учун ер солиғи уч баробар миқдорда ундирилиши белгиланган.

Андижон вилоятида ҳам томорқадан самарали фойдаланаётган хонадонлар кўпайиб бормоқда — бугун томорқага қўшимча даромад манбаи сифатида қаралаётир. Бинобарин, оила даромади ва фаровонлигида ишбилармонликнинг аҳамияти беқиёс. Ердан самарали фойдаланиш учун томорқада иссиқхона барпо этиб, сабзавот, турли кўкат ва цитрус мевалар етиштиришдан яхши даромад олинаяпти. Ҳатто 2-3 сотихли томорқадан йилига 10-15 миллион сўм даромад қилаётган оилалар кўп. Бу билан ҳар бир хонадон ўз оиласининг фаровонлигини таъминлаш баробарида бозорларимиз сероблигига ҳам ҳисса қўшмоқда.

Избоскан туманида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, яхши даромад олаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Мойгир қишлоғида яшовчи миришкор томорқачи Неъматжон Ихволдинов маҳаллий шароитда лимон, мандарин, апельсин етиштиришга киришган.

Неъматжон аканинг асли касби — сураткаш. Табиат гўзаллигига ошнолик уни деҳқончилик илмини пухта ўзлаштирган изланувчан, тадбиркор боғбонга айлантирди. Унинг айтишича, олис-яқиндаги танишларининг хонадонларига бориб, оилавий суратга олиб юрганида, бир лимон боғига ҳаваси кетган экан. Қизиқувчанлиги боис, дастлаб, цитрус мева етиштириш сир-синоатини ўрганди. Кейин эса 10 сотихдан зиёд томорқасида иссиқхона қурди.

— Одатда цитрус ўсимликлар иссиқсевар бўлади, — дейди Неъматжон Ихволдинов. — Масалан, лимон 10-18 даража илиқликда ғунчалайди. 20-22 даража иссиқда эса гуллайди. Шунга кўра, иссиқхона атрофини пахса девор билан ўраб чиққанмиз. Устига эса икки қават плёнка қопланади. Қишда қуёш ярқ этиши билан иссиқликни ўзига сингдириб олади. Бу усул маҳсулотнинг сифатли пишиб етилишини таъминлабгина қолмай, иқтисодий томонлама ҳам анча арзон. Ва табиий газ, на электр-энергияси, на кўмир учун ортиқча сарф-харажат қилинади...

Бугунги кунда Неъматжон аканинг иссиқхонасида турли цитрус мевалар етиштирилмоқда. Ажабланарлиси, уларнинг барчаси битта бутадан илдиз отган. Албатта, ишониш қийин, аммо омилкор деҳқоннинг "кашфиёти" айни ҳақиқат. Устозидан лимон парваришлаш илмини ўрганаётганда, қаламчадан кўпайтириш усули эътиборини тортганди. Шунда у "демак, лимон танасига бошқа меваларни пайвандтаг қилса ҳам бўлар экан", деган хулосага келиб, уни амалиётда синаб кўрди. Натижа ваккимас: бир бутада лимон, мандарин ва апельсин ҳосилга кирган.

"Цитрусчи боғбон"нинг омилкорлиги овозаси қўшни туманлар тугул, ҳатто олис вилоятларгача етган. Чунки ўсимлик қаламчаси лимон танасига пайвандланса, ҳосилини узоқ куттирмайди. Иккинчи йилиёқ томорқа эгасига даромад келтиришни бошлайди. Шу боис, унинг бир танада уч хил мева берувчи кўчатларига Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидаги боғбонлар ҳам харидор бўлмоқда.

— Мазкур қарор асосида туманимизда махсус ишчи гуруҳ ташкил этилган. Улар уйма-уй юриб, томорқадан унумли фойдаланиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётир, — дейди Избоскан тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Асрорбек Мирзаев. — Хонадонма-хонадон ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, аҳолининг ерга бўлган муносабати бутунлай ўзгарган. Қишлоқ хўжалиги экинларидан катта даромад топаётган деҳқонлар билан аҳоли ўртасида бевосита мулоқотлар ташкил этаяпмиз. Уларнинг тажрибаси оммалаштирилмоқда. Шу йилнинг ўзида 100 га яқин хонадон ўз томорқасида иссиқхона барпо этиб, дастлабки ҳосилдан даромад ҳам ола бошлади.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда боғдорчилик кенг ривожланмоқда. Давлатимиз эътибори ва ғамхўрлиги, меҳнаткаш боғбонларнинг изланишлари, заминга бўлган меҳр-муҳаббати туфайли самара ва натижадорлик юқори бўлмоқда. Интенсив боғлар яратилаётгани, боғбонларимиз, бободеҳқонларимиз томонидан етиштирилган, заминимиз қуёшидан баҳра олиб ғарқ пишган мевалар, ноз-неъматлар четга экспорт қилинаётгани, албатта қувонарли ҳолат. Бу эса ерни азиз билган, ҳам ўзининг, ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳиссасини қўшаётган инсонларнинг меҳнати самарасидир.

Доно халқимиз "Деҳқоннинг хазинаси — ер, калити — тер", деб бежиз айтмаган. Ерга меҳр бериб, меҳнат қилинса, у саховатини ҳеч қачон аямайди, эгасини фаровон ҳаёт билан сийлайди. Буни Неъматжон Ихволдинов сингари томорқасидан самарали фойдаланаётган миришкорлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дилмурод ПАРПИЕВ,
Андижон вилояти давлат солиқ бошқармаси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими бош мутахассиси

MILLIY TIKLANISH
29 (513) 2018 йил 25 июль, чоршанба

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига

ДЕКЛАРАЦИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИ ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА

Бу йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиги бутун дунё мамлакатлари қатори юртимизда ҳам кенг нишонланади. Шу маънода Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 5 майдаги фармони билан "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури" тасдиқлангани муҳим аҳамиятга эга.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон эркинликлари кафолатининг буюк хартиясидир. У инсоннинг ҳам шахсий ва сиёсий, ҳам иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқ ва эркинликлари кўламини ўзида тўла мужассам этган халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши халқаро муносабатлар ривожида муҳим тарихий босқич бўлди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси — Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири саналади. Ушбу Декларациянинг барча асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда ушбу тамойилларга амал қилган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни жамият ҳаётига, фуқаролар ва давлат хизматчилари онг-тафаккурига сингдиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисида қонунчилик тизими амал қилмоқда. Ҳозирги кунга қадар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тартибга соладиган 12 та конституциявий қонун, 16 та кодекс ва 700 дан ортиқ қонун қабул қилинган. Ўзбекистон ўтган даврда инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди ва БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган 10 асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланди.

Ўзбекистонда БМТнинг халқаро механизмлари олдидаги ҳисоботларнинг жаҳон талабларига жавоб берадиган тизими яратилган. БМТ низоми ва шартномавий органларининг миллий маърузаларни кўриб чиқиш якунлари бўйича тавсияларини бажариш соҳасидаги Миллий ҳаракат режаларини тайёрлаш ва қабул қилиш ана шу тизимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакат парламентига тақдим этган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, "Биз Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро молия институтлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда тузилган шартнома ва келишувларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш бўйича барча зарур чора-тадбирларни кўрамиз".

Ўзбекистон Президенти 2017 йил 7 февралда тасдиқлаган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Ҳаракатлар стратегияси БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларини бажариш бўйича Ўзбекистоннинг "йўл харитаси" бўлди ва у беш босқичда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, уларни амалиётга қўллаш ва ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг ва халқаро шериклар билан ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ҳаракатлари БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларига, умуман, мамлакат қўшилган инсон ҳуқуқларига доир барча универсал шартномаларнинг инсонпарвар моҳиятига тўла ҳамоҳангдир.

Президент фармонида қайд этилганидек, Ўзбекистонда инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши мониторинги миллий тизими шакллантирилган. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги миллий қонунчиликнинг ижроси, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашнинг ҳолати, янги иш ўринлари ташкил этиш ва фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича мунтазам равишда мониторинг олиб боради.

Декларациянинг 70 йиллигига бағишланган Дастур, ўз навбатида, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Шу асосда 2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида қабул қилинган Давлат дастурида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга йўналтирилган аниқ мақсадли чоралар кўзда тутилган. Айни пайтда Давлат дастури ва Декларациянинг 70 йиллиги бўйича Дастур ўзаро уйғунликда ижро этилаяпти.

Дастурда, жумладан, БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга тайёрлаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган. Шу билан бирга, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг маълум қилиш тартибига тааллуқли Факультатив протоколига, Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг Факультатив протоколига ҳамда Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастуриламал принципларига Ўзбекистон Республикаси қўшилиши истиқболлари таҳлил қилиниб, бу борада амалий таклифлар тайёрланмоқда.

Маълумки, 1993 йили БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи умумжаҳон конференциясида қабул қилинган Вена декларацияси ва Ҳаракат дастури қоидалари Ўзбекистонда ҳам амал қилмоқда. Ўзбекистонда суд, прокуратура ва адвокатура тимсолидаги анъанавий ҳуқуқ-тартибот тизими билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар тизими яратилган.

Дастурда мазкур тизимни янада такомиллаштириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича миллий институтлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир бир қатор тадбирлар назарда тутилмоқда. Хусусан, Болалар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институтини ташкил этиш масаласи кун тартибига қўйилмоқда.

Тадбирлар дастури доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Дин ишлари бўйича қўмита ва Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" махсус резолюциясини қабул қилиш масаласини илгари суриш билан изчил шуғулланади. Ушбу ҳужжатнинг асосий мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат бўлиб, бу ғоя илк бор Ўзбекистон Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида таклиф этилган.

2018 йил давомида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир бир қатор янги қонун ва қарорлар қабул қилинмоқда. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиги муносабати билан миллий ва халқаро даражадаги турли йирик анжуманлар ташкил этилаётир. Бу борадаги нуфузли халқаро тадбирларда Ўзбекистон вакиллари фаол қатнашмоқда.

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида кенг ахборот-маърифий фаолият амалга оширилмоқда. Ўтган даврда инсон ҳуқуқлари бўйича 120 дан зиёд асосий халқаро-ҳуқуқий хужжат ўзбек тилига таржима қилинди ва катта ададларда нашр этилди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мавзусини ёритиш билан 30 га яқин ҳуқуқий газета ва журналлар бевосита шуғулланмоқда.

Булардан кўзда тутилган мақсад, аввало, инсоннинг асосий ҳуқуқларини тушунишни яхшилашга кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларини миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш бўйича ҳуқуқий йўналишдаги фаолияти ҳақида кенг хабардорликни йўлга қўйишдан иборатдир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш муаммоси Ўзбекистонда фақат давлатнинг эмас, балки бутун жамиятнинг диққат марказидадир. Амалдаги қонунчилик доирасида фуқаролик жамияти институтлари қонунчиликни такомиллаштиришда, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқлари мониторингида, ахборот-маърифий фаолиятда, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича миллий даврий ва муқобил маърузаларни тайёрлашда фаол иштирок этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури"да белгиланган кенг қамровли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, шубҳасиз, давлат, жамият ва фуқароларнинг мазкур Декларация тамойиллари ҳамда қадриятларига эътибору эҳтиромини янада оширади.

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

"Бир келиб-кетинг, қишлоғимизга..."

ОБОД ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ

Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш, одамларни ҳаётдан рози қилишдир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга жорий этилган навбатдаги янги тизим – "Обод қишлоқ" дастури қишлоқлар, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда яшаётган аҳоли ҳаётида чин маънода янги саҳифа очди. Бундай бунёдкорлик ишлари қишлоқларга замонавий қиёфа бағишлаб, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини тубдан ўзгартирмоқда.



2018 йил 29 мартдаги "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида"ги Президент фармонига мувофиқ, жорий йилда 159 тумандаги 386 та қишлоқда қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу дастурга мувофиқ, жорий йилда Хоразм вилоятининг ўнта туманидаги 20 қишлоқда режа бўйича қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. 17 мингдан ортиқ хонадон, қарийб 98 минг нафар аҳолининг турмуш даражаси янада яхшиланади. Айни пайтда ушбу аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, уларнинг йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш асосида аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, белгиланган ишлар жадал олиб борилаётир.

...Боғот туманидаги Ашхобод қишлоғида ҳам бугун ободонлаштириш ишлари авжида. Қишлоқдаги 1 минг 147 хонадонда истиқомат қилаётган 6 мингдан зиёд аҳоли учун қулай шароитлар яратилмоқда. Одамлар турмуш тарзини янада яхшилаш пухта ишлаб чиқилган "йўл харитаси"га асосан олиб борилаётир. Дастур асосида қишлоқда замонавий мактаб биноси, оилавий поликлиника ва иккита мактабгача таълим муассасаси янгидан қурилади.

— Ҳудуддаги объектлар, аҳоли турар жойларини таъмирлаш, қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштиришда замон талаби ва одамлар учун қулайлик яратиш, турмуш маданиятини ошириш асосий мезон бўлиши зарур, — дейди Боғот тумани ҳокими Жўрабек Раҳимов. — Айни пайтда Ашхобод қишлоғи учун ҳам зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар бириктирилди. Жойлардаги бетартиб қурилган ва ҳудуднинг умумий манзарасига ярашмайдиган турар жойлар бугунги меъморчилик талабларига мослаштирилмоқда. Хусусан, хонадонма-хонадон юриш давомида аниқланган техник талабга жавоб бермайдиган ёки ноқонуний қурилган 40га яқин бино ва иншоот бузиб ташланмоқда. Бу жараёнда 57 та уйнинг том қисмини шифер билан ёпиш, 190 дан ортиқ хонадон боғи атрофини ўраш, 920га яқин уйнинг фасад қисмини таъмирлаш, янги қурилган иморатларга эшик ва дераза ромларини ўрнатиш, қишлоқ ҳудудидан ўтувчи Бойқозоқ ариғини қазиш, 12,5 километр узунликдаги ариқчаларни тозалаш ҳамда манзарали дарахт ва гул кўчатларини экиш каби бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу каби амалий тадбирларга ҳомийлар маблағлари, шунингдек, банк кредитлари йўналтирилади. Тадбиркорлар томонидан гидропоник иссиқхона, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, гўзаллик салони, сунъий қопламали спорт майдончаси қуриш режалаштирилган. Ҳозирда бу ишларга зарур техникалар жалб этилиб, қурилиш материаллари етказиб берилаётир.

Ўрганишлар натижасида ва аҳоли мурожаатидан келиб чиққан ҳолда қишлоқнинг Равнақ, Ислоҳот, Ҳурзамон кўчаларига асфальт, Сарбон, Ҳурватан, Тафаккур, Бардам кўчаларига қум тошли қоплама ётқизиш, айрим йўлларни жорий таъмирлаш ишлари белгилаб олинди. Бу каби таъмирлаш ишларига республика ва маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилади. Шунингдек, ичимлик суви, электр энергияси, газ таъминоти, аҳоли хонадонларини суюлтирилган газ ва кўмир билан таъминлашни яхшилаш, кўчаларга тунги чироқларни ўрнатиш, ижтимоий соҳа объектларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ногирон ва муҳтож оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш ишлари ҳам диққат-эътибор марказида.

— Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган "Обод қишлоқ" дастури асосида қишлоғимиз янгидан қурилиб, неча йиллик орзуимиз рўёбга чиқмоқда, — дейди Боғот тумани "Ашхобод" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қадамбой Жуманиёзов. — Ташқаридан қараб, нега бу ишлар шу вақтгача қилинмади, деб савол бериш осон. Аммо бундан қирқ-эллик йил аввал қурилиб, эндиликда яроқсиз ҳолга келган йўллар, кўчалар, сув қувурлари, ижтимоий, маданий иншоотларни тузатиш, янгилаш катта куч талаб қилади. Бундай катта кучни давлатимиз бизнинг қишлоғимизга ҳам йўналтирганидан беҳад миннатдормиз.

Бу миннатдорлик қишлоқ аҳолисининг амалга оширилаётган ишларда ғайрат ва ташаббус билан қатнашаётганида ҳам кўриниб турибди. Яшаётган уйи, ҳовлиси, кўчасидаги таъмирлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига кекса-ю ёш ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилаётир. Зотан, ушбу амалий ишларда қишлоқ аҳли ҳам камарбаста бўлиб, ҳашар йўли билан ёрдам бераётгани ёшлар қалби ва шуурида Ватан остонаси бўлган ўз қишлоғини севиш, уни обод ва озода сақлаган ҳолда тинч-осудалигини таъминлашга ундамоқда. Бунда, албатта, кўпни кўрган нуроний отахону онахонлар тажриба ва тавсияларига суянилаётир. Бундай эзгу ишлар юртимиз чиройига чирой қўшиш билан бирга, фуқароларимизда бугунги ҳаётдан розилик, эртанги кунга мустаҳкам ишончни янада кучайтирмоқда.

— Қишлоғимизда амалга оширилаётган ишлардан ҳаммамиз шодмиз, — дейди Ашхобод қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Раҳматжон Файзуллаев. — Энди биз бу хайрли ишларга монанд яшашимиз, ҳаракат қилишимиз лозим. Зеро, обод қишлоқ одамларининг қалби ҳам обод, маданияти ҳам юксак бўлиши керак.

Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбири

МММда

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси делегацияси шу йилнинг 6-13 июль кунлари Халқаро истеъмолчилар ташкилоти таклифига кўра, унинг Буюк Британия пойтахтида жойлашган бош офисида бўлди. Ташриф доирасида федерацияга Халқаро истеъмолчилар ташкилотига аъзоликни тасдиқловчи сертификат топширилди.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ

ЭНДИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Миллий матбуот марказида ташкил этган матбуот анжумани ана шу муҳим воқеага бағишланди.

— Федерациямизнинг Халқаро истеъмолчилар ташкилотига аъзо бўлиши, аввало, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида катта қадам ташланганидан далолат беради, — дейди федерация раиси Жаҳонгир Саримсоқов. — Энди биз аҳолининг истеъмолчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий меъёрлардан ташқари халқаро стандартлар бўйича ҳам назорат олиб борамиз. Албатта, ҳар бир соҳада бўлгани каби истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам халқаро тажрибани ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Бундан ташқари, дунё ҳамжамияти истеъмолчиларни ҳимоя қилишда Ўзбекистон тажрибасидан ўрганиши керак бўлган жиҳатлар ҳам йўқ эмас.

Халқаро истеъмолчилар ташкилоти 1960 йил 1 апрелда истеъмолчилар учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини синовдан ўтказиш мақсадида тузилган. Орадан кўп ўтмай у дунёдаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи барча жамиятларни бирлаштирувчи ташкилотга айланди. Бош қароргоҳи Лондонда жойлашган бўлиб, Лотин Америкаси, Осиё-Тинч океани, Ўрта Шарқ ва Африкада минтақавий офислари мавжуд. У 4-5 йилда бир марта сайланадиган Кенгаш орқали бошқарилади. Ташкилот истеъмолчиларнинг 8 та асосий — товар ва хизматлар ҳақида ахборот олиш, товар ва хизматлардан фойдаланиш, товар ва хизматларни танлаш, ҳимоя, етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш, истеъмолчи сифатида билимларини ошириб бориш ва соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш каби ҳуқуқлари мавжудлигини эътироф этади.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг ушбу жамиятга аъзо бўлиши ҳақида Халқаро истеъмолчилар ташкилотининг жорий йил 29 март куни бўлиб ўтган мажлисида қарор қабул қилинган. Ташкилотга аъзо бўлиш истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида ахборот алмашиш, минтақавий лойиҳаларда иштирок этиш, соҳада амалга оширилаётган илғор тажрибалар, халқаро миқёсда қабул қилинаётган ҳужжатлардан хабардор бўлиш имконини беради.

М. АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарх

ЎЗБЕКИСТОН-ҚОЗОҒИСТОН:
ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

"Тарихан бирлигимиз, маънан яқинлигимиз бугунги замоннинг мураккаб масалаларини ҳамкорликда ҳал қилиш, янги авлодлар келажагини биргаликда барпо этишимизга ёрдам беради. Биз минтақамизда ҳамиша тинчлик ва фаровонлик ҳукм суриши учун умумий уйимизни, фарзандларимизни келишмовчилик ва бошбошдоқликдан асрашимиз керак".

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонда "2018 йил — Ўзбекистон йили"-нинг очилиш маросимида айтган бу сўзларига жавобан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев журналистларга берган интервьюсида: "Ўзбеклар — бизга яқин, биродарларимиз, қўшниларимиз. Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги улкан мамлакат, бу диёр билан муносабатлар ҳамиша муҳим ва фойдалидир", дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг сўнгги йилдаги учрашувларида имзоланган муҳим ҳужжатлар ва эришилган келишувлар ижтимоий-гуманитар, савдо-иқтисодий соҳалардаги алоқаларни янги босқичга кўтариш имконини бермоқда. Мамлакатларимиз БМТ, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, МДҲ каби халқаро ташкилотлардаги иштироки давомида бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ҳамфикр бўлиб келмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик юксак ишонч ва ўзаро ҳурмат асосига қурилган бўлиб, 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида "Абадий дўстлик тўғрисида"ги, 2013 йилда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида"ги шартномалар ва бошқа қатор ҳужжатлар асосида тараққий этаётир.

1991 йил 16 декабрда Қозоғистон давлатчилиги тарихида янги саҳифа очилди. Ўша куни Қозоғистон халқи суверенитет, озодлик, дунёга очиқлик йўлини танлади. 1997 йилда мамлакатнинг 2030 йилгача ривожланиш стратегияси қабул қилинган. 2013 йилдан бошлаб ҳаётга "Қозоғистон — 2050" стратегияси татбиқ этилмоқда. Бу стратегиянинг асосий мақсади Қозоғистонни иқтисодиёти тараққий этган дунёнинг 30 давлатидан бирига айлантиришдан иборат.

Қозоғистон Евроосиё марказида (ҳудудининг катта қисми Осиёда, бир қисми Европада) жойлашган. Аҳолиси 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 18 миллион 157 мингдан ортиқ бўлиб, жаҳонда 64-ўринда туради. Ҳудуди 2 миллион 724 минг 902 квадрат километрни ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича мамлакат дунёда 9-ўринда, МДҲда (Россиядан кейин) 2-ўринни эгаллаган. Пойтахти — Остона шаҳри.

Қозоғистон президент бошқарувидаги мамлакат бўлиб, давлат раҳбари беш йил муддатга сайланади. Қозоғистоннинг оёққа туриши ва ривожланиши биринчи Президент, элбоши Нурсултон Назарбоев номи билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли мамлакатда ҳар йили 1 декабрда Биринчи Президент куни байрам қилинади. Қозоғистоннинг қўлга киритган ютуқларидан яна бири, шубҳасиз, Остона шаҳри. Мамлакатнинг янги пойтахти мустақиллик даврида қурилди. Бу шаҳар бугунги кунда қозоқ халқининг рамзи ва фахрига айланди. Дунёга мамлакатнинг имкониятларини кўрсатиш учун пойтахт салоҳиятидан самарали фойдаланилмоқда. Халқаро ҳамжамият айнан шу боис, "Экспо-2017" халқаро кўргазмасини ўтказиш жойи сифатида Қозоғистонни танлади. Мазкур халқаро кўргазма ўтган йили "Келажак энергияси" шиори остида бўлиб ўтди.

Қонун чиқарувчи орган Парламент бўлиб, у Сенат (юқори палата) ва Мажлис (қуйи палата) дан иборат. Сенат конституциявий қонунда белгилаган тартибда — ҳар бир вилоят, республика миқёсидаги шаҳарлардан икки нафар вакилдан ва Республика Президенти тайинлайдиган 15 вакилдан шакллантирилади. Мажлис 107 депутатдан иборат. Сенат аъзоларининг ваколати олти йил бўлса, Мажлис депутатлари беш йил фаолият юритади. Қозоғистон Президенти ва парламенти мамлакат ташқи сиёсатини белгилайди, Ташқи ишлар вазирлиги уни амалга оширади. Қозоғистон ЕҲҲТ, ШҲТ, МДҲ, КХШТ (Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти), ЕОИК, Турк тилли мамлакатлар Кенгаши каби ўнлаб ташкилотларнинг аъзоси. Қозоғистон Республикаси БМТга аъзо барча мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Қозоғистон — Евроосиёнинг "юраги"да жойлашган Марказий Осиёни Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиё билан боғловчи кўприкдир. Минтақамиз табиий ресурсларга бой, бу ерда кўплаб мамлакат ва бутун минтақалар ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатган ноёб маданият ва салоҳият мавжуд.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш нафақат ўзаро ҳамкорликнинг узоқ муддатли истиқболлари, айни вақтда бутун Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва равнақини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Қозоғистон Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шерикларидан бири бўлиб, ўзаро савдо изчил ва барқарор ўсиб бормоқда. Мамлакатларимиз маданият ва санъат соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мисол учун, ўзбекистонлик халқ усталари Олмаота шаҳрида ўтказиладиган Марказий Осиё ҳунармандлари кўргазма-ярмаркасида мунтазам иштирок этади. Остона, Олмаота ва бошқа шаҳарлардаги бадиий галереялар ва музейларда машҳур ўзбек рассомларининг кўргазмалари намойиши уюштирилади. Ўзбекистон мусиқа ва театр жамоаларининг Қозоғистонга гастроллари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон кинематографлари ўз фильмлари билан бу ерда ўтказилаётган кинофестивалларда иштирок этмоқда. Қозоғистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг ҳамда мамлакатимизда ташкил қилинадиган бошқа кўплаб йирик маданий тадбирларнинг доимий ва фаол қатнашчиларидир.

Ўзбекистон минтақа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш тарафдори. Сўнгги икки йилда Қозоғистон билан икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Томонлар 2020 йилда мазкур кўрсаткични 5 миллиард АҚШ долларига етказишни режалаштирган. Ўзбекистонда қозоғистонлик



инвесторлар иштирокида 260 корхона фаолияти йўлга қўйилган бўлса, қўшни давлатда юртимиз ишбилармонлари иштирокида 105 бизнес субъекти фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистондан Қозоғистонга табиий газ, транспорт воситалари, автомобиль, минерал ўғит, тўқимачилик, электротехника, қурилиш моллари, мева-сабзавот ва бошқа кўплаб товарлар экспорт қилинса, Қозоғистондан нефть, металл, ун, ёғ-мой каби маҳсулотлар олиб келинади.

Сиёсий жабҳадаги мулоқотлар ривожи иқтисодий алоқаларни янада жадаллаштириш учун қулай муҳит яратади. Бу нафақат савдо айланмаси ва сармоялар ҳажмини кенгайтиришга хизмат қилади, балки маданий-гуманитар алоқалар ривожини ҳам кафолатлайди.

Ўзбек ва қозоқ халқларини кўп асрлик қондошлик ришталари, муштарак тарих ва тақдир, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради. Ўзбекистонда қозоқ миллатига мансуб 813 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Мамлакатимизда Қозоғистон маданият маркази, юздан ортиқ қозоқ миллий-фольклор ва эстрада ансамблари, жумладан Чирчиқ шаҳрида "Дўмбира", Бўстонлиқ туманида "Дорин" ансамблларини фаолият кўрсатади. Тошкент вилоятида фольклор-ашула, Хоразм вилоятида ашула ва рақс ансамблари ташкил этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида қозоқ адабиёти кенгаши тузилган. Мамлакатимизда қозоқ тилида сабоқ бериладиган мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, олий ва профессионал таълим олиш учун Қорақалпоғистон давлат университети ҳамда Тошкент давлат педагогика университетида қозоқ тили ва адабиёти факультетлари бор. Бундан ташқари, республикамиздаги бир қатор педагогика институтларида ҳам қозоқ тили ва адабиёти кафедралари мавжудлиги баробарида, бошқа фанлар — физика, астрономия, география, иқтисодий билим асослари, математика, информатикадан қозоқ тилида сабоқ берилмоқда.

Икки давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари минтақавий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон-Қозоғистон ҳамкорлиги салоҳиятини намоён этиш ҳамда мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстона, яхши қўшничилик анъаналарини қўллаб-қувватлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Бир дарёдан сув ичиб, олис мозийдан бугунги кунгача дўст-қадрдон бўлиб яшаб келаётган ўзбек ва қозоқ халқи биродарлик алоқаларининг янада мустаҳкамланиши, давлатлараро муносабатларнинг кенгайишида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев томонидан имзоланган қатор ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлаётир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Икки давлатнинг маданий алоқалари янада ривожланиб бормоқда. 2018 йилнинг Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон йили, деб эълон қилингани, Ўзбекистонга Қозоғистон маданият аҳлининг ташрифи, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 13 мартда қабул қилган "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори икки қўшни ва қардош халқнинг дўстлиги, маданий яқинлигининг яна бир ифодасидир.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
халқаро шарҳловчи

Турфа олам

Ҳар бир давлатнинг қонун чиқарувчи асосий ташкилоти, яъни парламенти — бу қайсидир маънода ўша мамлакатнинг юзи ҳисобланди. Қуйида жаҳон мамлакатлари парламентлари ҳақида айрим қизиқарли маълумотларни тўплаб газетхонлар эътиборига ҳавола этишни жоиз топдик.

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ ПАРЛАМЕНТЛАРИ ҲАҚИДА

Аксар адабиётларда энг кўҳна парламент — Исландия алтингги (930 йилда тузилган) деб келтирилган бўлса-да, лекин ундан бир ярим минг йил аввал қадимги Римда 100 нафар сенатордан иборат Сенат фаолият кўрсатган. Милоддан аввалги 509-27 йиллар оралиғида Римда республика ва ундан кейинги империя даврида ҳам мамлакатда чиқариладиган муҳим қонунлар сенаторлар томонидан тасдиқланган. Октавиан Август ҳукмронлиги пайтида сенаторлар сони 600 нафарга етган.

***

Дунё мамлакатлари орасида қонун чиқарувчи олий ташкилот —Умумхитой халқ вакиллари мажлиси энг катта, аниқроғи, энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлиб, аъзолари сони 2 минг 987 нафарни ташкил этади.

***

Депутатлар сони энг кам бўлган мамлакат Океаниядаги Микронезия федератив штатларидир. Унинг қонунчилик ташкилотида атиги 14 нафар депутат фаолият олиб боради. Мамлакат аҳолиси эса 100 минг нафардан иборат.

***

Австралия Иттифоқи парламенти биносини дунёдаги "энг катта иншоот" деб таърифлаш мумкин. 32 гектардан ортиқ майдонда жойлашган бинода жами 4 минг 500 хона мавжуд бўлиб, уларнинг умумий майдони 250 минг метр квадратни ташкил этади.

***

Дунё мамлакатлари парламентларидаги партиялар сони бўйича Хитой Халқ Республикаси рўйхатнинг энг сўнггида туради. Чунки мамлакатда фақат битта партия мавжуд. АҚШда 2 та, Россияда 4 та, Австралия ва Бельгияда 13 тадан, Бразилияда 24 та партия парламентда депутатлик ўринларига эга.

***

Парламент депутатларига маош тўлаш бўйича Японияга тенг келадигани йўқ. Кунчиқар юрт депутатлари ойлик маоши 21 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ундан кейинги ўринларни Австралия (15500 $), АҚШ (14500 $), Россия Федерацияси (салкам 12000 $), Буюк Британия (9500 $) эгаллайди.

Африкадаги Зимбабве давлати депутатларига энг кам маош тўлайдиган мамлакатлар сирасига киради. Уларнинг ўртача ойлик маоши 100 долларга ҳам етмайди.

***

Россия Федерацияси Думаси ўтган йили энг фаол парламент сифатида тан олинди. Депутатлар бир йил давомида 295 та қонун қабул қилган ва баъзиларига тузатиш киритган. АҚШда эса конгрессменлар 187, Сингапур парламенти аъзолари 89 та масалани муҳокама қилиб ўз овозларини берган. Жанубий Африка Республикаси депутатлари эса энг паст кўрсаткичга эга бўлган: улар ўтган йили атиги 3 та қонунни кўриб чиққан, холос.

***

АҚШ Сенатида қарийб 50 йилдан бери ғайриоддий анъана сақланиб келади. Гап шундаки, бир пайтлар сенаторлардан бири — Жорж Мерфи ширинликка ўч бўлгани боис ўз ҳамкасбларини ҳам конфетлар билан сийлаб турган. Табиийки, унинг иш столи атрофи доимо "конфетхўр" сенаторлар билан гавжум бўлган. Ўшандан бери сенаторларга конфет тарқатиш одати пайдо бўлган ва ҳар йили ҳомийлар Сенатга 180 килограмм конфет ҳадя этади.

***

Буюк Британия парламенти икки — Юқори (Лордлар) ва Қуйи (Жамоатчилик) палатасидан иборат. Мамлакат парламентини қиролича бошқаради — қабул қилинган қарор ва қонунларни тасдиқлайди ёки бекор қилади.

Юқори палата вакиллари сайлов натижасида аниқланмайди. Унда 774 нафар фуқаро фаолият олиб борса-да, уларнинг аксарияти палата аъзолигини қироличадан бирор олий зодагонлик рутбаси, ўз оиласи ёки диний ташкилотлардан мерос қилиб оладиган шахслардир. Айни пайтда Лордлар палатасида 26 руҳоний, 87 зодагон ҳамда мамлакат олдидаги хизматлари учун қироличадан олий табақа мақоми (рицарлик ва бошқалар)ни олган 661 нафар фуқаро фаолият олиб боради.

Қуйи палата аъзолари эса 650 нафар депутатдан иборат бўлиб, улар яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.

Рангин дунё

"ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ..."
БУНДАЙ ҒАРОЙИБ ЙЎЛ БЕЛГИЛАРИ КИМНИ НИМАДАН ОГОҲ ЭТАДИ?

"Йўл қоидаси — умр фойдаси". Зеро, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш инсонни кўп хавф-хатардан асрайди. Автотранспорт ҳайдовчилари учун йўл белгилари беминнат ёрдамчи вазифасини ўтайди. Лекин дунё мамлакатларида шундай антиқа йўл белгилари ҳам борки, улар қандай маъно билдиришини ногаҳон англаш қийин.

Австралияда "Эҳтиёт бўлинг, туялар!" ёки "Эҳтиёт бўлинг, бегемотлар, кенгурулар!" каби йўл белгилари бор. Миср ва Бирлашган Араб Амирликларида "Туяларга йўл беринг!", деган йўл белгисига дуч келасиз. Бундай йўл белгиларини ҳатто йирик шаҳарларнинг марказий кўчаларида ҳам учратиш мумкин.

Швецияда энг кўп тарқалган йўл белгиларидан бири — "Эҳтиёт бўлинг, типратиканлар!". Бу нафақат автомобил ҳайдовчиларини, балки велосипедда кетаётган одамларни ҳам огоҳлантиради. Чунки ҳар йили ҳайдовчиларнинг эътиборсизлиги сабаб мамлакатда кўплаб типратиканлар нобуд бўлади.

Буюк Британия, Чехия каби мамлакатларда қўлида шиша кўтариб олган, лекин ўзи эмаклаб кетаётган киши тасвири туширилган "Мастларга йўл беринг!" белгиси мавжуд.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида йўл белгиларига хабарлар ёзилган ҳолатга ҳам дуч келиш мумкин. Гарчи улар бир қадар ғайриодатий бўлса-да, ушбу давлатга келган хорижлик меҳмонларнинг кайфиятини кўтаришга хизмат қилади. Шу боис кўп саёҳатчилар бу мамлакатларга ана шундай йўл белгиларини кўриш учун ҳам келади. Масалан, айрим мамлакатларда қияликка кўтарилган йўлларнинг четидаги пастга қулаш мумкин бўлган жойларига "Учишни ўрган!" номли йўл белгиси ҳам қўйилган. Бу орқали ҳам мавжуд хавфга ишора қилинган, ҳам унинг антиқа ечими топилган.

Украинада сайёҳлар уларнинг ёнида суратга тушиши учун ўрнатилган йўл белгилари мавжуд. Бундай йўл белгисига "бу фалон шаҳарда ўрнатилган, унинг ёнида ҳамма суратга тушади", деб ёзиб қўйилган. Бундан кўриниб турибдики, туристларни жалб қилишнинг антиқа усули топилган.

Уммон давлатида қум бўронига дуч келиш мумкинлигидан огоҳлантирувчи йўл белгиси бор. АҚШда эса ёввойи ҳайвонларга йўлиқиш таҳдидидан огоҳлантирувчи йўл белгиларини учратиш мумкин. Булар энг аввало, табиатни асрашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. АҚШ ҳамда Мексика чегарасида жойлашган транспорт йўлларида йўлни шошилиб кесиб ўтувчи мигрантлардан (улар чегарадан ноқонуний ўтаётгани учун тез юради ёки югуради) эҳтиёт бўлишни англатувчи йўл белгиси мавжуд.

Мексикада эса ҳукумат транспорт йўли бир текис эмаслигини ўзлари ҳам тан олган ҳолда, уни тузатишдан кўра бу ҳолатдан ҳайдовчиларни огоҳлантирувчи йўл белгиси ўрнатишни афзал кўрганига гувоҳ бўлиш мумкин. Австрияда трамвайлар светафорнинг қизил ва сариқ чироқларида ҳам ҳаракатланишни давом эттириши мумкинлигини англатадиган йўл белгиси бор. Бундан бехабар сайёҳ ҳатто ўз ҳаётини хавф остига ҳам қўйиши мумкин. Яна бир трамвайлар билан боғлиқ антиқа йўл белгиси Буюк Британия қироллигининг Ньюкасл шаҳрида ўрнатилган. Унда транспорт ҳайдовчилари эмас, пиёдалар огоҳлантирилган. Йўл белгисида "Электр симларига тегиш шу заҳотиёқ ўлимга сабаб бўлади, жарима 200 доллар" дейилган ёзув мавжуд.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Биз учун антиқа кўринган йўл белгилари энг аввало, ўша мамлакатнинг табиати ва жамиятнинг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб ўрнатилгани. Қолаверса, бу сайёҳлар эътиборини жалб қилишнинг ўзига хос усули саналади.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
тайёрлади.

Хиёбон

"КЎРИБ-КЎРИБ КЎЗЧИЛ БЎЛДИМ..."

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Чўлпон роса топиб айтган. Чиндан ҳам адабиёт эзгуликка, олий мақсадларга дахлдор. У бепоён саҳро оралаб оқиб бораётган улкан дарё янглиғ. Бу дарё аҳамияти таъриф-тавсифга сиғмайди, сарҳад билмайди. Адабиёт халқ руҳияти, ўзлигини баланд кўтариб зиё таратиб турган машъаладир. У халқ руҳининг барҳаётлиги. Шу боис ҳар қандай жамиятда ҳам адабиётнинг ўрнини тўғри белгиламоқ, унинг маърифатли жамиятдаги мавқеини жойига қўймоқ лозим. Бугун халқ руҳи фақат адабиётда акс этиши, бу руҳ адабиётда ўссагина ҳаётнинг руҳи ҳам ўсиши мумкинлигини чуқур англаб турибмиз.

Қанчалик оғир бўлмасин, қўлимизни кўксимизга қўйиб, тан олиш керакки, ўтган давр мобайнида адабиётимиз кўмакка муҳтож бўлиб қолган эди. Бунинг маълум сабаблари бор ва уларни бирма-бир санаб ўтиш шарт эмас. Шукрки, ночор қолган адабиётга кўмак беришга, миллат илдизини мустаҳкамлаш, унинг ўқ томирига қувват бахш этишга киришилди.

Президентимизнинг шу йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори миллий адабиётимиз ва маънавий-ижтимоий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди, дейиш мумкин. Бу нафақат ижодкорлар, балки миллатнинг ҳар бир вакили ҳаётида янгилик ясайдиган, эзгулик таратадиган улуғ бир иш. Чунки адабиёт фақатгина шоир-ёзувчиларники эмас. У халқники! Ижодкор фақат халқ учун ёзади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу миллат маънавияти келажагидаги муҳим ва дадил қадамдир.

— Адабиёт — кўнгил эҳтиёжи, ижод — илоҳий жараён, деб кўп бор айтилган. Бу ҳақда гарчи фикр битта бўлса-да, лекин қарашлар турлича. Сизнингча, шеър нима, шоир ким?

— Илҳом билан меҳнат ялакатмағиз, яъни бирга яратилган. Илҳом бўлса-ю, меҳнат, тағин денг, қора меҳнат бўлмаса, натижаси палағда бўлиши тайин. Шеърият фидойиликни талаб этади. Албатта, аввал истеъдод. Истеъдодсиз шоир минг фидойилиқ қилсин — илк зинада депсиниб қолиб кетаверади. Истеъдод илҳоми ва меҳнати билан яратилган асарнинг қаноти узун бўлади.

Кейинги йилларда мен бир нарсанинг гувоҳи бўлдим. Аёнки, мустақиллик ҳур фикр берди. Аммо бу ҳур фикр қайси бир шоирга насиб этди? (Ўз тенгдошларим мисолида айтяпман бу гапни). Таассуфки, жуда озчиликка...

1976 йили Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида "Ёшлик баёзи" тўплами нашр этилган. Унда адабиётга энди кириб келаётган қирқ саккиз тенгдош шоирнинг ижоди берилган. Ҳозир бу қирқ саккиз, ўша пайтдаги умидбахш шоир қаерда?..

Клеанф деган юнон файласуфи ўтган. Унинг бир машҳур гапи бор: "Юришни хоҳлаганни тақдир етаклайди, хоҳламаганни судрайди".

Ижод аҳли шоирга, шеърга турлича таъриф беради. Ҳақиқатан ҳам шоир киму шеър нима? Бу азалий ва абадий савол.

Пушкин шеъриятига ошуфта бўлиб юрган кезларим "Боқчасарой фонтани" шеъри хотирамга ўрнашиб қолди. Кўнгил безовталиги бошланди: "пул йиғаман... кўриб келаман". 1985 йил "Қайдасан, Қрим? Қайдасан, Боқчасарой?" дедиму кетдим. Бордим, кўрдим. Пушкин — қандай тасвирлаган бўлса, ўшандай. Боқчасарой фавввораси. Оппоқ, мармар фаввора, қизил гул, кўзёшлар...

Мана, бир шеър сеҳри. Демак, шеърда сеҳр борлиги чин экан-да. Шу сеҳр мени йигирма кун бутун Қримни кезишга чорлади. Пушкин юрган йўллар бўйлаб юрдим. Гўё Пушкинга айланиб, Қора денгиз соҳилларида тўлқинларга қараб шеър ўқидим, шеър тўқидим.

Кейинроқ Лермонтов юрган йўллар бўйлаб ҳам шундай саёҳат қилганман.

"Шеър ёзаман зерикканимдан..." — дейди "Дон Жуан" асарида инглиз шоири лорд Байрон. Бу нима? Олифта гапми? Йўқ. Истеъдод қалбининг заруриятини, эҳтиёжини айтяпти у. Шеър ёзмасдан туролмаслигини, шеър ҳаёт эканини, дилини тўкмай яшай олмаслигини айтяпти.

Шарқда эса *"Шеър ёзади шоирларнинг фақири..."* — дея бўзлайди бахши Фозил Йўлдош ўғли.

Шеър заҳматига чидаган кимсагина шоир бўлиши мумкин, демоқда у. Шеър моддий бойлик келтирмайди, маънавий бойлик манбаи, демоқда бахши шоир. Шоирлик номини олиб юришни чидаганга чиқарган, демоқда Фозил ота.

Шоир, шоир қалби олисдан кўринадиган тоққа ўхшайди. Тоғдан олисда туриб, унинг бағрида нима борлигини билиб бўлмайди. Унинг бағрида нима борлигини билиш учун тоғнинг бағрига бормоқ, у билан сирлашмоқ керак. Худди шунингдек, шоирнинг китобини ҳам бағирга босиб ўқиш керак. Унда қалб хазинаси-ю, меҳр-муҳаббати, сеҳру сирларини, ўзининг айтолмаётган, лекин айтмоқчи бўлган барча синоатларини топади инсон.

Бир дафтаримда шундай қайд бор экан:

"Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида, рўй берадиган ҳар бир ҳодисага халқ адабиётдан жавоб излайди. Ўзи суйган, эътиқод қўйган шоирнинг фикрини билгиси келади. Айни чоғда, ижодкор ҳам фақат бадиий асарлари ёрдамида эмас, балки ўз ўқувчиси билан бевосита мулоқот орқали ҳам кўнглидаги гапларни ўртоқлашишга эҳтиёж сезади".

Шоир ким? Бу — менинг Ўзим! Шеър нима? Бу — менинг ЎЗ СЎЗим!

Буюк Навоий ёзади:

Аълоларидир нединки дерсен аъло,
Аднолари ҳам барча аднодин адно.
Авсатлариким, ҳеч нимага ярамас,
Билким, нафас урмамак аладин авло.

— Тажриба ва маҳорат кишида узоқ йиллик меҳнат самараси ўлароқ орттирилиши эҳтимол. Аммо ҳақиқат-чи?

— 1967 йил мактабнинг 10-синфини аъло баҳолар билан тугатдим. У пайтлар мактабни аъло баҳога якунласангиз, олтин медаль бериларди. Битирувчилардан мен ва тағин бир синфдошим шу медалга лойиқ топилдик. Аммо... медаль битта. Ана шунда мактабнинг ҳақиқатпарвар, адолатпарвар (ҳақ гапни айтяпман, бирор қочирим йўқ) ўқитувчилари қоқ иккига бўлинди. Бири Накурт қишлоғидан келган Азимбой Суюновга, деса, иккинчи тараф ўзимизнинг Гарашадан чиққан фалончига (синфдошим, энг қадрдон дўстим) дейишди. Тараф-тараф, талаш-талаш. Алал-оқибат, олтин медаль иккимизга ҳам берилмади. Бугун ўша ўқитувчиларнинг барчасидан чексиз миннатдорман. Ҳақиқатни ўша ўқитувчилардан ўрганганман. Агар ўшанда иккимиздан биримиз мактабдан олтин медаль билан чиқиб кетганимизда борми, кейинги тақдиримиз бугунгидан бутунлай бошқача бўлиши мумкин эди. Бу ерда икки синфдошнинг дўстлигидан ҳам баланд гаплар, яъни инсон тақдирини назарда тутяпман...

— Китоб ўқиган одам ўзи яшаб турган дунёдан ҳам бошқа дунёлар борлигини билиб яшайди, деган гап бор. Бу "Тошкулба токчасидаги китоблар" шеърингизда ёзганингиздек:

"Қулоғим қирқта бўлиб
тинглар эдим, тинглардим.
Тоғдан ҳам олисларда
бир дунё бор — англардим",

— кабидир. Бугун юртимизда оммавий китобхонлик тарғиботи бошланган. Ҳатто кўп китоб ўқиганга автомашина ҳам бериляпти...

— Болалигимда тоғ қишлоғида қандай китоб, қандай рисола бўлмасин, қандай газет-журнал етиб бормасин, қисқаси, қўлимга нима тушган бўлса, ўқиб чиққан эдим. Рост гап шуки, доим ўқиш учун китоб излардим. Тоғда эса китоб ва ўқиш учун газета-журнал ҳаммага ҳам насиб қилмас, уларнинг бари шаҳарда эди. Демоқчиманки, бугунги маънавий мўл-кўлчиликнинг ҳам қадрига етмоқ керак.

Бир воқеа ёдимга тушди. Сиртқи бўлимда ўқир эдим. Биринчи курсман. Дарслардан бирида охирги партада ўтирибман. Дарс билан деярли ишим йўқ. Чунки домла Яссавийдан гапираётган эди. Ҳолбуки, мен Яссавий "Ҳикмат"ининг кўп жойларини болалигимдаёқ ёд билар эдим. Отам ва бобом мулла Суюн уни қайта-қайта овоз чиқариб ўқийверганидан ёд бўлиб кетган.

Хуллас, олдимда бир даста шеър. Қўлёзма. Шу билан бандман. Сезмай қолибман, бир пайт дарс ўтаётган домла тепамда турибди. Бир оғиз ҳам сўз айтмай, қўлёзмаларимни олиб қўйди. Тамом, дедим, ўзимга-ўзим... ғалва. Дарс тугади. Ҳаммамиз чиқа бошладик. Домла менга, сиз қолинг, деди. Қолдим. "Нега дарсимга қулоқ солмадингиз? Ахир мен Яссавийдек тақиқланган улуғ шоир ҳақида тушунча бераётган эдим-ку", деди домла. Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Нимаси тақиқланган? Ахир ота-боболарим фақат Яссавийни ўқиган-ку, ўқиганда ҳам йиғлаб...

Сўнг "Ҳикмат"дан ўқий бошладим: *"Муҳаббатнинг бўстонига булбул каби саҳар чоғлар нола қилиб кўнгим келур..."* Домла тек қотиб қолди. Кўзлари ёшланди.

Кейинчалик англадимки, бунинг барига уйимиздаги китобга бўлган муносабат сабаб бўлган экан. Умуман, ўша даврларда китобхон оилалар кўп бўлгувчи эди. Эътибор беринг, китобхонлар эмас, китобхон оилалар! Бунинг бир-биридан катта фарқи бор. Эсимда, уйимизда қишлоқнинг илмталаблари то тонггача китоб муҳокамаси билан банд бўлар ва бу машғулот уларни сира зериктирмас эди. Балки ўша маънавий тонготар суҳбатлар адабиётга бўлган меҳримни оширгандир. Оилавий, оммавий китобхонликнинг ёш авлодга мана шундай ижобий таъсири ҳам борлигини унутмаслик керак.

Юртимиздаги бугунги китобхонлик тарғиботи эса жамиятимиз ҳаётида бутунлай янги давр бошланаётганидан далолат. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ёки 2018 йил 12 майдаги "Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорларини олайлик. Бу каби ташаббуслар миллат равнақи ва юрт эртасини ўйлаган ҳар бир ватандошимиз қалбини нурга белайди. Ахир қайси давлатда Президентнинг ўзи китоб ўқинглар, кўпроқ ўқиганга автомашина бераман, деяпти? Бу халқ маънавиятини юксалтириш йўлидаги эзгу амаллар гултожидир.

— Айтмоқчисизки, бугунги кун ижодкори учун ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт келди...

— Айнан шундай! Кўп кузатяпман: техника асри деймиз, "оммавий маданият" деймиз, лекин барибир шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, китобга ташна, енгил-елпи асарга "чанқоғи қонмайдиган" ва унча-мунча адабиётнинг фарқига борадиган авлод шаклланиб келяпти. Бугун минг-минглаб тиражда чиқиб ётган муқоваси чиройли-ю, ичида зиғирча маъно бўлмаган китоблар билан уларни алдаб бўлмайди. Қайтанга, ёзарманнинг ўзи шарманда бўлгани қолади. Шу боис ижод аҳли ҳам елкасидаги улкан масъулиятни теран ҳис этмоғи ва узоқни кўзлаб иш тутмоғи керак. Ўқувчи кутган ва кутаётган асарлар яратмоқ, кўнгил мулкини ўз вақтида унга етказмоқ шоиру адибларнинг энг катта бурчи.

— Албатта, бугунги шеърият, адабий жараённи кузатиб бораётган бўлсангиз керак. Мана шу кузатув натижаси ўлароқ у ҳақдаги фикрингиз қандай?

— Охирги пайтда кўпроқ ёшлар ижодини кузатишга ҳаракат қиляпман. Аммо мен кексадан ранжишмасин, очиқ айтаман, яққол кўзга ташланиб турадиган, мана мен, деб ҳар қандай ўзандан ҳам тошиб чиқадиган ва ўзини чинакам ижод кишиси сифатида кўрсатаётганларини кам кўряпман. Ворлари ҳам ўзига бўлган ишончдан мосуво. Кейин ўз устида ишламаслик, бироз дангасалик бор. Ёшларимиз мана шу қусурлардан холи бўлолса, чин маънодаги ўзбек адабиётининг ворисларига айланади. Ворис эгалик қилиш дегани. Шундай экан, бунга муносиб бўлиш керак.

— Кўряпмизки, бугун ҳам ижоддан тўхтаганингиз йўқ. Нималар ёзяпсиз, не юмушлар билан бандсиз?

— Бугуннинг қадри баланд. Буюк донишмандлар ҳам бугуни билан яшаб, "Эртага Худо пошшо!" дер экан. Ҳазрати деҳқон эса "Кетмоним қимирласа, жоним қимирлайди", демиш. Эл айтади: "Ёзнинг ювиндиси ҳам қишга ош-қатиқ"...

Бировдан олдин, бировдан кейин дегандек, ижод билан бандман. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйида етти жилдлик "Танланган асарлар"им нашр этилмоқда. Тўрт жилди — "Эй дўст!", "Ўзбекюрт", "Мен сизни севаман", "Туғдона" — китобларим китобхон қўлига бориб етди.

Кўрадиганларни кўриб бўлдик. Кўриб-кўриб, кўзчил бўлдим...

Энди шеър ёзишдан гаштлироқ нарса қолмади.

— Шогирдларингиз, ёш қаламкашларга нималарни насиҳат қилган бўлардингиз?

— Ёшларга тилакларим ҳам, маслаҳатларим ҳам бор. Улар, энг аввало, вақтнинг, ёшликнинг қадрига етсин! Қолаверса...

1. Қалбингизни ёзинг.
2. Севинг — севиласиз, севиб ёзинг — севиб ўқиласиз.
3. Табиатни донишманд устоз деб билинг.
4. Тилингизни шифокорга эмас, миллатингизга кўрсатинг.
5. Иштиёқсиз (илҳомсиз) ижодга ўтирманг. Ҳатто булбул ҳам иштиёқсиз, истар-истамас томоқ булкиллатса, эшитган қулоқни ланжлик қумига тўлдиради.
6. Тақлиддан қўрқманг, тақлидгўй бўлиб қолишдан қўрқинг.
7. Адабий ўғирликдан қочинг. Адабий ўғирлик мол ўғирлигидан ёмон: молни беркитса бўлади, аммо кўчирмани ҳам, кўчирмакашни ҳам беркитиб бўлмайди.
8. Гулларни яхши кўрасиз, ҳаммасини ўз номи билан атанг.
9. Сафарларга чиқинг, юртлар, эллар кезинг. Китобларингиз ҳам сафарларга чиқади, юртлар, эллар кезади.
10. Адабиётга ҳукмдорлик даъвосини қилманг.
11. Чин адабиётни омма яратмайди, соврин-сарполар яратмайди. Адабиётни шахслар яратади. Шахслар туғма истеъдодлардан қора меҳнатлари, заҳматлари ўлароқ юзага чиқади. Давр эса уларни гоҳ муносиб, гоҳ номуносиб намоён этади. Меҳнатни шарафга айлантиринг.
12. Дил ва Тил бирлиги, Истеъдод ва Эътиқод бирлиги, Виждон ва Амал бирлиги Инсон комиллигининг олий мақомларидир. Унутманг!

"Milliy tiklanish" мухбири
Исломжон ҚЎЧҚОРОВ суҳбатлашди.

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Серқуёш ўлкамизда ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб турли хабарлар пайдо бўла бошлади. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳам фуқароларни қуёшдан сақланиш тўғрисида огоҳлантириш берди.

ҚУЁШ НУРИ: ФОЙДА ВА ЗАРАР

Шу ўринда, аҳолида ҳақли савол туғилади: қуёш нури инсон организми учун қанчалик фойдали ёки зарарли?

Қуёш одатда рангли ва кўринмас нурли тўлқинларни тарқатади. Инфрақизил ва ултрабинафша нурлар кўринмас саналади. Уларни инсон кўзи илғамайди, лекин кўринмас нурлар инсон организмига кўпроқ таъсир ўтказади.

Айнан инфрақизил нурлар танада қон айланиши яхшиланишига хизмат қилади. Ўз навбатида, организмдаги барча ҳаётий жараённи фаоллаштиради, кайфиятни кўтаради, тетиклик ва қувват бағишлайди. Депрессиядан қутилишга кўмаклашади, шунингдек, оғриқ қолдириш хусусиятига ҳам эга.

Ултрабинафша нурлар эса қуёш нурлари спекторининг атиги 5 фоизини ташкил этади. Лекин бу кўрсаткич ортиб кетса, инсон ҳаётига хавф солиши мумкин. Аслида ултрабинафша нурлар иммун тизими меъёрида ишлашини таъминлайди, касалликларга сабаб бўлувчи бактерияларга қарши курашади, тананинг эндокрин тизимини яхшилайди.

Қуёш нури калций алмашинувида иштирок этади ва суякларни мустаҳкамлайди. Витамин D — кальциферол ишлаб чиқарилиши қуёш нури таъсирида амалга ошади. Бу витаминнинг етишмаслиги гипертонияга чалиниш ва ортиқча вазн тўплашга сабаб бўлади.

Гарвард университети мутахассисларининг сўнгги изланишлари қуёш кам чиқадиган ўлкалар аҳолиси орасида астма касаллиги кўпроқ учраши ва у оғир кечишини кўрсатди. Аслида қуёшнинг астма касаллигини даволаш хусусияти ўтган асрдаёқ аниқланган. Ўшанда шифокорлар астма билан оғриган беморларга қуёшли ўлкаларга боришни тавсия қилган.

Қуёш инсон танасида серотонин ва эндорфин моддалари ишлаб чиқарилишини таъминлайди. Эндорфинни хурсандчилик гормони, дейишади. Олимларнинг изланишлари шуни кўрсатдики, ер юзининг шимолида истиқомат қиладиган аҳолида депрессияга тушиш ҳолати жанубда яшовчиларга қараганда кўпроқ кузатилар экан ва бу қуёш нури етишмаслиги билан боғлиқ.

Гипертоник касалликларга чалинган беморларга юқори ҳароратли об-ҳавода кўп юрмаслик тавсия этилади, чунки у қон босими бирданига кўтарилишига сабаб бўлиши мумкинлиги айтилади. Эдинбурглик олимлар эса бунинг акси бўлишини тасдиқлашмоқда. Яъни, уларнинг фикрича, қуёш нури қон босими пасайишини таъминлайди. Олимлар ўз фикрини қуёш нури таъсирида инсон организмида азот оксиди ва нитрат ишлаб чиқарилиши ортиши ва бу моддалар қон босими пасайишини таъминлаши мумкинлиги билан изоҳламоқда. Ўз навбатида, қуёшда юрган инсонда инсульт ва инфаркт ривожланиш хавфи камаяди.

Албатта, бу хулосалар нисбий, ҳар нима меъёридан ошса — зарар. Шу каби қуёш нурида ортиқча қолиш, аввало, қуёшдан қуйишга олиб келади. Бу эса тери саратони ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки бунда инфрақизил ва ултрабинафша нурлар танага биргаликда салбий таъсир ўтказа бошлайди. Оқибатда бош айланади ва тана ҳарорати ҳушни йўқотиш даражасида кўтарилиши мумкин.

Даволаниш мақсадида қуёш нури остида бўлиш "қуёш ваннаси", деб аталади. Қуёш ваннаси учун энг қулай вақт — тонгги соат 6 дан 11 гача ва кечки 16 дан то қуёш ботгунча. Бунда тонгги қуёш организмни тетиклаштирса, кечки пайт тинчлантиради. Кун ярмида қуёш нурлари жадал ҳаракатланади ва организм учун зарарли саналади.

Ҳарорат исиган вақтида сувда кўп сузиш, тонгда ва кечки пайт дарё соҳили бўйлаб саёҳат қилиш анча фойдали. Аммо ёдда тутинг: иссиқ ҳароратда қумда ётиш ва қуёшда қорайиш кўпчилик ўйлаганидек фойдали эмас. Бу тананинг тез қизиши, қуёш уриши ва тери куйишига олиб келади. Ҳар қандай дори воситаси сингари, қуёш нуридан ҳам меъёрида фойдаланиш лозим.

ТУРФА ОЛАМ

САҚИЧДАН КРОССОВКА УЧУН ТАГЛИК ТАЙЁРЛАНЯПТИ

Голландиялик мутахассислар фойдаланилган оддий сақичдан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мукинлигини исботлашди, деб ёзади mirnov.ru сайти.

Бу жуда ҳам фойдали. Чунки эски сақичлар чиқиндига чиқарилганидан сўнг экология учун катта хавф туғдиради: у табиий равишда чиримайди, боиси синтетик каучукдан тайёрланади. Айниқса, катта шаҳарларда у йирик миқдорда тўпланади. Масалан, биргина Амстердамда ҳар йили сақичдан иборат бир неча тонна чиқинди йиғилади.

Бундай муаммони ижобий ҳал қилиш, ҳам экологияни асраш, ҳам фойда олиш мақсадида Амстердамдаги фирмалардан бири чиқитга чиқарилган сақичлардан кроссовка ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ишлаб чиқарувчи кўчада тўпланган сақич ва сунъий каучукларни қайта ишлаб, ундан кроссовкалар учун таглик тайёрламоқда. Оёқ кийимининг тепа қисми теридан тайёрланади. Бир килограмм чиқинди сақичдан тўрт жуфт оёқ кийим учун таглик тайёрлаш мумкин.

Бундай кроссовкалар Европа дўконларида айни пайтда 190 евродан сотилмоқда.

М.АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 716, Адади — 4273. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Муҳтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Нурбек ЙЎЛДОШЕВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 21.30.
ISSN 2010-7714